

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИК
ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ ВА ЮРИТИШ
ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ

Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва бошқарув кафедраси

« Т А С Д И Қ Л А Й М А Н »
факультет декани _____
доцент Х.Х.КОМОЛОВ
« ___ » _____ 2014 йил

« Ҳимояга рухсат этаман »
кафедра мудири _____
доцент О.А. ШЕРМАТОВ
« ___ » _____ 2014 йил

Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш таълим йўналишининг
битирувчиси *Юлдашева Рўзихоннинг*



Мавзу: Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарходбек фермер хўжалигида
ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш

БМИ раҳбари: _____ *катта ўқит. Т.Н.Иминов*

Бажарувчи: _____ *Р.А.Юлдашева*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИК
ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИҚТИСОДИЁТИ ВА БОШҚАРУВ
КАФЕДРАСИ

«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»
Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва
бошқарув кафедрасининг мудирини
доцент О.А.Шерматов _____
«____» _____ 2013 й.

Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш
таълим йўналишининг битирувчиси
Юлдашева Рўзихонга битирув малакавий ишини бажариш учун

ТОПШИРИК

- 1. Битирув малакавий ишининг мавзуси:** институт ректорининг «29» июн 2013 йилдаги №157-СТ сонли буйруғи билан тасдиқланган.
- 2. БМИнинг мавзуси:** Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.
- 3. Битирув малакавий ишни тугатиш вақти:** «5» июн 2014 йил.
- 4. Битирув малакавий ишнинг асосий бўлимлари.** БМИ кириш, 3 та боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.
- 5. Битирув малакавий ишни бажариш учун керакли маълумотлар.** Ўзбекистон Республикасининг қишлоқда иқтисодий ислохатларни ўтказишга оид бўлган қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, мавзуга оид адабиётлар ҳамда Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигининг 2011-2013 йиллар учун бизнес режалари, йиллик хисоботлари ва мавзуга оид бўлган бошқа маълумотлари.
- 6. Битирув малакавий ишда фойдаланиладиган жадваллар.** Битирув малакавий ишида мавзунинг моҳиятини ёритишга ёрдам берадиган 10-12 та жадвалларни тузилиши кўзда тутилган бўлиб, улардан 3 таси бевосита ҳимоя жараёнида фойдаланилади.

Битирув малакавий ишнинг асосий саволлари	БМИнинг раҳбари	Бажарилиш муддати	Имзо
<i>Кириш.</i>	<i>кат.ўқит. Иминов Т.</i>	<i>21.12.2013</i>	
<i>I-боб. Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишнинг назарий ва услубий асослари.</i>			
<i>1.1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишнинг зарурлиги ва аҳамияти.</i>	<i>кат.ўқит. Иминов Т.</i>	<i>19.01.2014</i>	
<i>1.2. Ишлаб чиқариш ресурсларидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда фойдаланиш асосий иқтисодий кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш тартиби.</i>	<i>кат.ўқит. Иминов Т.</i>	<i>29.01.2014</i>	
<i>II-боб. Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигининг мавжуд ҳолати таҳлили.</i>			
<i>2.1. Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигининг табиий-иқтисодий шароитлари ва имкониятлари.</i>	<i>кат.ўқит Иминов Т.</i>	<i>26.02.2014</i>	
<i>2.2. Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигининг мавжуд ҳолати таҳлили.</i>	<i>кат.ўқит Иминов Т.</i>	<i>30.03.2014</i>	
<i>III-боб. Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари.</i>			
<i>3.1. Фермер хўжалигида пахта ва галла етиштириш технологиялари ҳамда уларни самарали ташкил этиш йўллари.</i>	<i>кат.ўқит Иминов Т.</i>	<i>29.04.2014</i>	
<i>3.2. Фермер хўжалигида ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари.</i>	<i>кат.ўқит Иминов Т.</i>	<i>29.05.2014</i>	
<i>Хулоса ва таклифлар.</i>	<i>кат.ўқит. Иминов Т.</i>	<i>5.06.2014</i>	
<i>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.</i>	<i>кат.ўқит. Иминов Т.</i>	<i>5.06.2014</i>	

Топширик берилган вақти:

« 6 » сентябр 2013йил

БМИ раҳбари:

катта ўқитувчи Т.Иминов

Битирувчи:

Р.Юлдашева

М у н д а р и ж а

<i>Мазмуни</i>	<i>Бетлар</i>
<i>Кириш.</i>	<i>5-10</i>
<i>I-боб. Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишнинг назарий ва услубий асослари.</i>	
<i>1.1. Иқтисодий ва модернизациялаш шароитида фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишнинг зарурлиги ва аҳамияти.</i>	<i>11-20</i>
<i>1.2. Ишлаб чиқариш ресурсларидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда фойдаланиш асосий иқтисодий кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш тартиби.</i>	<i>21-29</i>
<i>II-боб. Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигининг мавжуд ҳолати таҳлили.</i>	
<i>2.1. Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигининг табиий-иқтисодий шароитлари ва имкониятлари.</i>	<i>30-38</i>
<i>2.2. Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигининг мавжуд ҳолати таҳлили.</i>	<i>39-54</i>
<i>III-боб. Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари.</i>	
<i>3.1. Фермер хўжалигида пахта ва галла етиштириш технологиялари ҳамда уларни самарали ташиқ этиш йўллари.</i>	<i>55-64</i>
<i>3.2. Фермер хўжалигида ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари.</i>	<i>65-73</i>
<i>Хулоса ва таклифлар.</i>	<i>74-76</i>
<i>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.</i>	<i>77-81</i>

Кириш.

Мавзунинг долзарблиги. 2013 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йилга нисбатан 2,3 баробар кўпайди. Фақат ўтган йилнинг ўзида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,8 фоизга, жумладан, деҳқончилик – 6,4 фоизга, чорвачилик – 7,4 фоизга ўсди.

Буни авваламбор иқтисодиётимизда амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришларнинг, мамлакатимиз бир пайтлардаги аграр республикадан босқичма-босқич равишда саноати ривожланган замонавий давлатга айланиб бораётганининг яққол тасдиғи сифатида қабул қилиш даркор.

Қишлоқ хўжалигининг ўзида кенг кўламли ўзгаришлар ва сифат жиҳатдан янгилинишлар юз бермоқда. Юртимизда экин майдонларини оптималлаштириш ва қишлоқ хўжалиги экинларини районлаштириш борасида ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсат олиб борилаётгани энг муҳим хомашё ва экспортбоп маҳсулот бўлмиш пахта етиштиришнинг нисбатан барқарор ҳажмини сақлаган ҳолда, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни бир неча баробар кўпайтириш имконини берди. Энг муҳими, халқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашга замин туғдирди, керак бўлса, уларни чет мамлакатларга экспорт қилишга имкон бермоқда. Хусусан, ғалла етиштириш 2000 йилга нисбатан 2 баробар, картошка – 3,1 марта, сабзавот – 3,2 баробар, узум – 2 марта, гўшт ва сут – 2,1 карра, тухум – 3,4 баробар ошди.

Ўтган 2013 йилда қишлоқ хўжалигида мисли кўрилмаган натижаларга эришилди – 7 миллион 800 минг тонна ғалла, 8 миллион 400 минг тонна сабзавот, 3 миллион 360 минг тоннадан ортиқ пахта хом-ашёси етиштирилди.

Президентимиз И.Каримов таъкидлаганларидек: “Юртимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг келажаги ҳақида гапирганда, ер ва сув ресурслари бўйича имкониятларимиз чекланганини ҳисобга олиб, бу борада ягона тўғри йўл – қишлоқ хўжалигини интенсив асосда ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш, селекция ишларини

чуқурлаштириш, юксак самарали замонавий агротехнологияларни жорий этиш ва сувдан оқилона фойдаланиш.....”¹ жуда муҳимдир.

Шунингдек, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш орқали тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ишлаб чиқилган “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” да баён этилган. Ушбу концепцияда белгилаб берилган устувор вазифалар қаторида Ўзбекистон республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган дастурда 2011-2015 йиллар мобайнида:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,3 марта ошириш, унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 17,5 фоиздан 13,5 фоизга пасайтириш;

- қишлоқ хўжалигида илғор агротехнологиялар, ресурсларни тежайдиган усулларни жорий этиш, селекция ва уруғчилик тизимини ривожлантириш ҳисобидан экинлар ҳосилдорлигини оширишга эришилади. Бунда минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини 15 фоизга ошириш, сув сарфини 12 фоизга камайтириш;

- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан мелиоратив иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, томчилатиб суғориш тизимини йўлга қўйиш ва мелиорация техникаларини харид қилиш бўйича қарийб 500 миллион долларга тенг бўлган лойиҳалар ҳисобидан 1,4 миллион гектар ер майдонининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш каби стратегик аҳамиятга эга бўлган муҳим башорат вазифалари белгиланган.

Ушбу вазифаларни бажаришда бошқа омиллар билан бир қаторда фермер хўжаликларидаги мавжуд ишлаб чиқариш ресурсларидан

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси, 18.01.2014 й.

фойдаланиш самарадорлигини ошириш муҳим ва долзарб бўлиб ҳисобланади. Бу битирув малакавий ишимнинг мавзусини танлаб олишимда муҳим аҳамият касб этди.

Мавзуни ўрганилганлик даражаси. Юртимиз озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий таянчи бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, ишлаб чиқаришга янги ва илғор технологияларни жорий этиш, экин навлари ва чорва моллари зотини, уруғчилик-селекция ишларини тубдан яхшилаш борасида кенг қамровли, шу билан бирга, пухта ўйланган ишлар амалга оширилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ошиши фақат экин майдонларини кенгайтириш эвазига эмас, балки асосан интенсив ривожланиш, яъни экинлар ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш ҳисобидан таъминланмоқда.

Ишлаб чиқариш ресурсларидан фермер хўжаликларида самарали фойдаланиш масалалари бўйича бир қатор хориж ва республикамиздаги аграр -иқтисодчи олимлар илмий - тадқиқот ишларини олиб боришиб, ўз фикрларини, илмий қарашларини, таклиф ва тавсияларини беришган. Жумладан, республикамизда қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш муаммолари А.Абдуғаниев, С.Ч.Джалолов, А.В.Духовний, Ф.К.Қаюмов, А.С.Султонов О.З.Зокиров, Ў.П.Умрзақов, Қ.А.Чориев, Ч.Муродов каби олимлар томонидан чуқур ва илмий таҳлил этилган.

Лекин, юқоридаги аграр – иқтисодчи олимлар илмий – тадқиқот ишларида фермер хўжаликларида ресурс тежайдиган техника ва технологиялардан фойдаланишни ташкил этиш йўллари, шунингдек, ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари тўлиқ ёритилмаган.

Битирув малакавий ишининг мақсади. Асосий қишлоқ хўжалик товар маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари бўйича илмий асосланган хулосалар ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг вазифалари. Ушбу ишининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар ҳал этилди:

- иқтисодийни модернизациялаш шароитида фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишнинг зарурлиги ва аҳамиятини очиқ бериш;

- ишлаб чиқариш ресурсларидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда фойдаланиш асосий иқтисодий кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш тартибини ўрганиб чиқиш;

- Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигида маҳсулот етиштиришда ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишнинг ҳозирги ҳолатига баҳо бериш;

- тадқиқот объекти мисолида ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари белгилаб бериш.

Битирув малакавий ишининг предмети ва объекти. Тадқиқот предмети бўлиб, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмалари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар ва иқтисодий кўрсаткичлар мажмуаси, ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилган қонунлар ҳамда қонуности ҳужжатлари ҳисобланади. Тадқиқот объекти қилиб, Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалиги олинган.

Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми. Ушбу иш кириш, 3 та боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, жами 80 бетда ифода этилган. Унда мавзу юзасидан 12 та жадвал ва 1 та чизма келтирилган.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, ишнинг асосий мақсади ва вазифалари, битирув малакавий ишининг предмети ва объекти баён қилинган.

Биринчи бобда фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишнинг назарий асослари баён этилиб, тадқиқотнинг илмий ва услубий жиҳатларига қаратилган ва тадқиқот олиб борилган объектнинг таснифини ўзида акс эттирилган. Бунда ҳозирги даврда бу мавзуга бўлган назарий ёндошувлар, масаланинг моҳияти, муаммони ечишнинг асосий омиллари ва муаллифнинг илмий, назарий қарашларига бўлган муносабати билдирилган.

Мавзунинг хусусиятидан келиб чиқиб, 1 ва 2- параграфларда мавзуга оид муайян услубий масалаларни ҳам кўриб чиқилган. Аммо, мавзуда кўриб чиқилаётган масалаларни ечимига оид илмий-услубий ёндошувлар ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш мезонларига умумий баҳо бериб кетиш мумкин.

Иккинчи боб тадқиқот объекти бўлган Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалиги бўйича ўрганилаётган муаммонинг ҳозирги ҳолатини таҳлил этишга бағишланган. Ўрганилаётган объектнинг ташкилий-иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил этиш етарлича чуқур ва мақсадга йўналтирилган бўлиб, масалага оид хўжалик маълумотларига асосланган. Ишда фермер хўжалигининг охириги 3 йиллик маълумотларининг таҳлили асос қилиб олинган.

Боб фермер хўжалигига оид умумий маълумотлар ва унинг табиий-иқтисодий шароитларини ёритиш билан бошланган. Фермер хўжалигининг таркибий тузилиши, ташкилий-ҳуқуқий шакли, ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳияти, маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш динамикаси, маҳсулот етиштириш харажатлари, молиявий натижаларнинг шаклланиши, улардан фойдаланиш самарадорлиги каби бир қатор кўрсаткичларни таҳлил этишда уларнинг реал табиий ва ишлаб чиқариш шароитларига боғлиқ ҳолда очиб берилган. Бунда сўнгги 3 йилликда ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда юз

берган ўзгаришлар, уларнинг иқтисодий самарадорликка таъсири, ҳозирги кунда ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишга оид мавжуд камчилик ва муаммолар ҳамда уларни келтириб чиқарган сабабларга кенг ўрин берилган.

Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалиги мисолида илмий мавзу таҳлилий-ҳисоблар, жадваллар, диаграммалар ва чизмалар орқали очиб берилган. Ҳар бир жадвал, диаграмма, чизма сўнгида унинг таҳлили берилган.

Учинчи бобда муаллиф таҳлиллар асосида хўжаликда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари бўйича таклифлар ва тавсиялар, услубий ёндошувлар ишлаб чиқилган, илгари сурилаётган таклиф ва ғоялар ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан асосланган.

Жумладан, бобда хўжаликда пахта ва ғалла етиштириш технологиялари ҳамда улардан фойдаланишни ташкил этиш йўллари, хўжаликда ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари бўйича илмий ва амалий асосланган хулосалар ва тавсиялар берилган.

Хулоса ва таклифлар битирув малакавий ишининг мазмуни баён этилишини яқунлайди. Унда муаллиф олиб борган илмий изланишларнинг натижалари умумлаштирилган. Хулоса ва таклифлар аниқ, қисқа ва тушунарли тарзда баён этилган, фақатгина мавзуга оид масалаларни ўзида акс эттирган.

Уни тайёрлаш жараёнида мавзуга оид Ўзбекистон Республикасининг қонунларидан, Президентимиз Фармонларидан, Вазирлар Маҳкамаси қарорларидан, махсус адабиётлардан, журналлар ва бошқа илмий нашрлардаги мақолалардан, Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигининг сўнги 3 йиллик ҳисобот маълумотларидан фойдаланилиб, улар асосида ***фойдаланилган адабиётларнинг рўйхати*** келтирилган.

I-БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ.

1.1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишнинг заруриги ва аҳамияти.

Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг реал тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш тадбирларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, аграр ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янги босқичга кўтариш масалалари шу куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланмоқда. Шу муносабат билан муҳтарам Президентимиз томонидан чорвачилик, ғаллачилик, картошкачилик каби соҳаларда илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва амалда қўллаш, бизнинг иқлим шароитимизда ғоят муҳим аҳамият касб этадиган замонавий суғориш тизимлари, энергияни тежайдиган замонавий технология ва агротехнологияларни ўрганиш, уруғчилик-селекция ишларини янада такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг маҳсулдорлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган эди.

Иқтисодиётни модернизациялаш – иқтисодиёт тармоқ ва корхоналаридаги ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олувчи жараённи тартибга солишга қаратилган фаолиятдир².

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш орқали тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ишлаб чиқилган “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” да баён этилган. Ушбу концепцияда белгилаб

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2010. – 280 бет.

берилган устувор вазифалар асосида Ўзбекистон республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган дастурда 2011-2015 йиллар мобайнида:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,3 марта ошириш, унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотигаги улушини 17,5 фоиздан 13,5 фоизга пасайтириш;

- қишлоқ хўжалигида илғор агротехнологиялар, ресурсларни тежайдиган усулларни жорий этиш, селекция ва уруғчилик тизимини ривожлантириш ҳисобидан экинлар ҳосилдорлигини оширишга эришилади. Бунда минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини 15 фоизга ошириш, сув сарфини 12 фоизга камайтириш;

- мева-сабзавот тайёрлашни 1,5 баробари, картошка етиштиришни 1,4 баробар, полиз ва узумни 1,3 баробар кўпайтириш;

- наслчилик ишларини такомиллаштириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, замонавий технологиялар ва модернизация натижасида наслчилик хўжаликлари сонини 2,5 баробардан, озуқа экинлари майдонини 1,3 баробар ошириш;

- зооветеринария пунктларини замонавий жиҳозлаш, хизматлар сифатини ошириш ҳисобидан чорва моллари сонини 1,3 баробар, гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,3 марта ошириш;

- паррандачилик ва балиқчилик тармоқлари ривожига алоҳида аҳамият қаратиб, паррандалар сонини 1,8 марта ошириб, 670 та балиқчилик хўжалиги ташкил этиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш қувватларини ва қайта ишлаш ҳажмини кенгайтириш тадбирлари доирасида қишлоқларда замонавий минитехнологиялар негизида қайта ишлаш корхоналарини ишга тушириш орқали мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқаришни 1,7 баробар, гўшт консерваларини 2,2 баробар, колбаса маҳсулотларини 1,8 баробар, сут маҳсулотларини 1,9 баробар ошириш;

- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан мелиоратив иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, томчилатиб суғориш тизимини йўлга қўйиш ва мелиорация техникаларини харид қилиш бўйича қарийб 500 миллион долларга тенг бўлган лойиҳалар ҳисобидан 1,4 миллион гектар ер майдонининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш;

- қишлоқ хўжалиги техникаси паркларини кенгайтириш, уларни сифат жиҳатдан янгилаш, фермерларни унумли қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминлаш, хизмат сифатини яхшилаш каби стратегик аҳамиятга эга бўлган муҳим прогноз вазифалари белгиланган.

Яна шуни айтиш жоизки мамлакатимиз сув ва ер ресурслари, уларнинг таркиби ва тузилиши, жойлашуви ва шимилиш даражаси, мелиорация даражасининг қишлоқ хўжалигини ривожланишдаги ўрни ва қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш самарадорлигини ўсишдаги роли каттадир.

Қишлоқ хўжалигида экинлар ҳосилдорлигини муттасил юксалтириш вазифаси биринчи навбатда суғориладиган ерларнинг унумдорлиги ва ирригация-мелиорация ҳолатига боғлиқ. Илмий тадқиқот ишларининг натижаларига кўра, ўртача шўрланган ерларда экинларнинг ҳосилдорлиги шўрланмаган ерларга нисбатан 50-60 фоизга, ўта шўрланган ерларда эса 90-100 фоизга паст бўлиши аниқланган.

Суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришнинг илғор, замонавий усулларини жорий этишнинг аҳамияти ката. Чунки, республикамиздаги сув танқислиги шароитида суғоришнинг замонавий усулларини қўллаш орқалигина аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига тобора ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мумкин. Кейинги йилларда мамлакатимизнинг бир қатор ҳудудларида экинларни суғоришнинг янги технологиялари синовдан ўтмоқда ва қўллашга тавсия этилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида олиб борилган ишлар натижасида:

- суғориладиган ерларда ер ости сувлари сатҳи ва шўрланиш даражаси пасайиб, экин майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланмоқда;

- хўжаликларни сув билан таъминлаш тизими яхшиланиб бормоқда;

- қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ортиб, хўжаликларининг даромадлари юксалмоқда.

Пировард натижада ерларнинг унумдорлиги, пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги сезиларли даражада ошмоқда.

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилишда тармоқни юқори унумли техника ва технологиялар билан таъминлашнинг аҳамияти бекиёсдир.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида фойдаланиб келинаётган ҳайдов ва чопиқ тракторлари ҳамда қишлоқ хўжалиги машиналарининг катта қисми эскириб, ўз хизмат муддатини ўтаб бўлгани сир эмас. Шунингдек, бундай техникаларнинг иш унуми, ёқилғи сарфлаш меъёрлари замонавий талабларга жавоб бермаслиги оқибатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ишлаб чиқариш таннархи ошиб кетмоқда. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигига юқори унумли, замонавий ва ресурсларни тежайдиган техникаларни жалб этиш, бу борада аввало чет элнинг илғор компаниялари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш талаб этилади. Жумладан, Германиянинг «Класс» компанияси билан замонавий, иш унуми юқори бўлган тракторлар, ғалла ўриш комбайнлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги техникаларини янгилаш бўйича олиб борилаётган мақсадли тадбирлар натижасида кейинги 6 йил ичида жами 13896 та трактор, 3960 та трактор тиркамаси, 3603 та культиватор, 1076 та дон ўриш комбайни ва бошқа юқори унумли техникалар харид қилинган.

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш дастурида дехқончилик билан бир қаторда чорвачилик тармоғини модернизация қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сир эмаски, республикамизнинг чорвачилик тармоғи жадал ривожланиб бораётган тармоқлардан бири бўлишига қарамай, соҳада ўз ечимини кутаётган айрим муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан,

чорва молларининг маҳсулдордор ва касалликларга чидамли зотларини етишмаслиги, чорвачиликнинг мустаҳкам озуқа базасини яратиш борасидаги муаммолар шулар жумласидандир.

Бозор тизимида фермер хўжалик корхоналари энг асосий ҳал қилувчи фаолият даражаси бўлибгина қолмай барча ер, сув моддий, молиявий, меҳнат ва бошқа ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш воситасидир. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатни эса хом-ашёга бўлган талабини қондиришда муҳим ҳисобланади.

Ҳозирги даврда аҳоли истеъмол қилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизга яқини шу тармоқда етиштирилмоқда.

Аҳолининг учдан икки қисми қишлоқларда яшамокда ва жами меҳнат ресурсларининг 40 фоизга яқини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қатнашмоқда. Тармоқда маҳсулот етиштириш учун 4,3 млн. гектар қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланилмоқда. Бу қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган умумий ер майдонининг 9,8 фоизини ташкил этади ҳамда энг унумдор суғориладиган ерларнинг 95,1 фоизидан қишлоқ хўжалигида фойдаланилмоқда.

Шунингдек, тармоқда Ўзбекистон саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган кўплаб қишлоқ хўжалик техникалари, кимёвий воситалар, ёнилғи-мойлаш материаллар, озуқа, моддий техника таъминоти ва бошқа воситалар ишлатилмоқда. Бу эса маҳсулот етиштириш ҳажмини йил сайин кўп етиштириб бориш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятини бермоқда.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида бозор иқтисодиёти талабларига мос иқтисодий муносабатларни шакллантирадиган, хусусий ташкилий, иқтисодий ҳамда ижтимоий ислохатлар босқичма-босқич амалга оширилишини такомиллаш имкониятини берувчи тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда.

Аграр секторни тубдан ислох қилиш ва жадал ривожлантириш муаммолари ислохотларнинг дастлабки босқичида ҳамда Ўзбекистоннинг бозорга ўтиш стратегиясида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. “Биз қишлоқнинг устун даражада ривожланишини таъминлашни, қишлоқ хўжалигини сифат жихатидан янги асосларда қайта тиклашни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйдик” деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов. Шунга асосланган ҳолда давлат қишлоқ хўжаликда бозор иқтисоди муносабатларини барпо этиш мақсадида ислохотлар мажмуасини ишлаб чиқди ва уларнинг ҳуқуқий асосларини ҳам яратмоқда. Булар жумласига Ўзбекистон Респбликаси Олий мажлиси томонидан қабул қилинган қонунлар, Президент фармонининг ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини келтириш мумкин.

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Республикаимиз мустақиллика эришгандан буён қисқа вақт мобайнида қишлоқ хўжаликда иқтисодий ислохотлари амалга ошириш, қишлоқда хўжалик юритишининг тўла шакллари яратиш, ишлаб чиқарувчиларнинг ерга ва бошқа асоайй воситаларга эгалик қилишлари ўзлари етиштираётган маҳсулотлардан тўлиқ баҳраманд бўлишлари учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Иқтисодий ислохотлар даставвал қишлоқ хўжалигидан бошланди. Бунда асоан қишлоқ хўжалиги бугунги кунга келиб мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 30 фоиздан ортиқроғи, валюта тушунчасининг 55 фоизини таъминламоқда.

Шунингдек, пахта хомашёси ҳамда ундан олинадиган бирламчи ва тайёр маҳсулотлар нафақат мамлакатимиз ички бозорини тўлдиришда, балки уларни экспорт қилиш асосида Республика бюджетини чет эл валюталари билан тўлдиришда асосий манбаи бўлиб ҳисобланади.

Пахтачиликнинг корхоналар иқтисодиётидаги ўрни, унинг чиқиндисиз кўп турли сердаромад товар маҳсулотлари етиштиришидадир. Шу жумладан, 1 тонна пахтадан 340-350кг тола, 50-60кг тола ва 580кг чигит олинади. 340кг толадан эса ўз навбатида 3500 м² газмол, бир тонна чигитдан эса 170кг мой, 400кг кунжара, 60кг ўсимлик оксиди, 300кг шелуха олинади. Бундан ташқари ундан маргарин, кир ва атир совунлари, алифмой тайёрлашда фойдаланилади.

Бозор муносабатлари талабларидан келиб чиқиб, қишлоқда кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириши учун зарур ташкилий ҳуқуқий шарт шароитлар яратилди.

Хозирги пайтда қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган аграр сиёсатнинг асосий йўналишлари қишлоқда мулкдорлар синфини қарор топтириш, уларнинг мулк ҳуқуқларини том маънода тиклаш ва ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалик ерларини доимий эгалик қилиш учун берилган ер участкалари қийматини бозор талабларига мос ҳолда ташкил этишдан иборат.

Ўз мулк ҳуқуқларидан тўла фойдаланиш имкониятларига эга мулкдорни мустақил эгалик қилиш, ерлардан ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш моддий, молиявий ва моддий-техника ресурсларидан тежаб фойдаланиш ва унинг унумдорлигини ошириб бориш ва пировард натижаларидан, ҳамда моддий манфаатдорликни ошириш орқали истиқболли келажак яратишда асосий ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хисобланади.

Шу каби қатор муҳим вазифаларни ҳал этишда мамлакатимиз Президенти Вазирлар маҳкамасининг бир қатор фармон қарор ва меъёрий ҳужжатлари қабул қилиниб, ҳаётга тадбиқ этимоқда. Булар жумласига 2004 йил 26 августда янги тахрирда қабул қилинган «Фермер хўжаликлари тўғрисидаги», «Ер кодекси», «Меҳнат кодекси» ва бошқа қонун ҳужжатлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини, ҳамда

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг буйруқларини келтириши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг асосий ва ҳаётий жihatдан муҳим тармоқларидан ҳисобланади. Ўзбекистонда етиштирилаётган асосий турдаги маҳсулотларга пахта, ғалла ва пилла каби маҳсулотлар киради. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан маҳнатга лаёқатли аҳолининг 40% дан ортиғи шуғулланади, қишлоқда истиқомат қиладиган аҳолининг сони мамлакат аҳолисининг 60 % ни ташкил этади.

Мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш ва интеллектуал салоҳиятининг ярми бевосита қишлоқ хўжалиги билан боғлиқдир. Қишлоқ хўжалиги мамлакат саноати учун хом-ашё етказиб бериши билан бирга қишлоқ хўжалигининг ўзи саноат маҳсулотларининг яъни тракторларнинг, автомобиллар, машина-жихозларини ва бошқа шу кабиларнинг йирик истеъмолчисидир.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун қилинадиган харажатлар таркибида саноат товарлари улуши 40 % гачани ташкил этади. Шу тариқа саноатнинг айрим тармоқларининг тараққиёти кўп жihatдан қишлоқ хўжалигига боғлиқ бўлади. Ва аксинча, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг фаолияти, кўп жihatдан саноат тараққиётининг даражасига боғлиқ бўлади.

Аҳолининг турмуш даражаси, унинг моддий фаровонлиги қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволига, унинг ривожланиш самарасига бевосита боғлиқдир. Шу боис мустақилликка эришилгандан буён бошқа соҳалар қатори ҳалқимизни қишлоқ хўжалигида етиштириладиган маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш долзарб масала бўлиб турмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг XII-сессиясида 1998 йил 30-апрелда қабул қилинган “Ер кодекси” қонуни 2004-йил 26-августдаги янги таърифдаги фермер хўжалиги тўғрисидаги қонунларида ва ундан кейинги чиқарилган қонунларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини

етиштиришда ишлаб чиқариш ресурсларидан янада самарали фойдаланишга катта эътибор берилмоқда.

Кейинги йилларда Республикамизда қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш учун жуда катта ишлар амалга оширилиб ишлаб чиқариш ресурсларини яъни ер, сув, моддий-молиявий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишнинг қонуний тизими яратилмоқда.

Бу муносабатлар юридик ва жисмоний шахслар ҳам ўзаро келишган ҳолда қонунчилик доирасида бир-бирлари билан шартномавий муносабатларни амалга оширадилар.

Бу шартномавий муносабатлар ҳуқуқий муҳитининг тўғри тузилишида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Фермер хўжалиги тўғрисидаги”, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси” тўғрисидаги қонунлар ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сонли қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлаб хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш уларни рўйхатдан ўтказишни бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомга” асосан тартибга солинади.

Фермер хўжалиги томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан бўладиган иқтисодий алоқаларнинг умумий ҳамда ва тартиблари “фермер хўжалиги тўғрисидаги қонунда ва ушбу муносабатларни Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган “Намунавий контрактация шартномаси”, “Моддий-техника ресурслари етказиб беришга намунавий шартнома”, “Хизматлар кўрсатишга ишларни бажаришга намунавий шартнома” ҳужжатларида акс эттирилган.

Ушбу меъёрий ҳужжатларда ишлаб чиқариш ресурсларининг таъминоти, мазмуни, томонларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари маҳсулот, ресурс, ва хизматларнинг баҳоси ва ҳисоб-китоб тартиби ҳужжатларнинг жавобгарлиги, низоларни кўриб чиқиш тартиби белгиланади.

1.2. Ишлаб чиқариш ресурсларидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда фойдаланиш асосий иқтисодий кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш тартиби.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва ресурслар чекланган ҳозирги шароитда иқтисодиётни ривожлантириш ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлигини оширишга боғлиқ бўлиб бунда ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламда иқтисодий ислохатлар кўп укладли иқтисодиётни шакллантиришга йўналтирилган бўлиб, бундай шароитда иқтисодиётни замонавий технологик ва иновацион тараққиётсиз асосий ишлаб чиқариш фондларини техник ҳамда технологик жихатдан қуроллантирмасдан, маҳсулот рақобатбардошлигини таъминламасдан амалга ошириб бўлмайди.

Замонавий шароитда ишлаб чиқариш корхоналарининг олдида турган муҳим масалалардан бири ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва унинг бошқарув фаолиятини такомиллаштиришдан иборат. Чунки, ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш ишлаб чиқаришни техник ва технологик жихатдан қайта қуроллантириш шароитида корхоналарда ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташкил этиш муҳим ҳисобланади.


Янги асрда ресурсларни тежаш ва самарали фойдаланиш ғояси алоҳида долзарблик касб этади. Ҳозирданоқ иқтисодий нобарқарорликка олиб келувчи қайта тикланмайдиган ресурсларнинг таннархи ошиб, етишмовчиликлар кузатилмоқда.

Бу борада, аввало, ерларнинг унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Айтиш керакки, бу йўналишдаги ишларнинг кўлами йил сайин кенгайиб бораётганига қарамасдан, суғориладиган ерларнинг мавжуд мелиоратив ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш

алохида ўрин тутади ва ишлаб чиқариш ресурслари **1-чизмага** биноан туркумланади.

1-чизма. Ишлаб чиқариш ресурсларини туркумланиши.



Ер умуммиллий бойликдир, халқ хаёти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш зарур ва давлат томонидан муҳофаза қилинади. Ер қишлоқ хўжалигида энг муҳим ишлаб чиқариш воситаси бўлиб ҳисобланади. Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш мамлакат иқтисодиётининг тараққиётига ва шу жумладан қишлоқ хўжалик корхонаси иқтисодиётининг ривожланишига ижобий таъсир қилади.

Қишлоқ хўжалик ерларининг таркиби ва ҳажмининг ўзгариши мутлоқ кўрсаткичларда, уларнинг ташкилий тузилишининг ўзгариши эса нисбий кўрсаткичларда ифодаланади. Бунинг учун қишлоқ хўжалик ерларининг жами ва уларнинг турлари бўйича ҳисобот йилидаги ҳақиқий майдонлари ҳажмига солиштириб, фарқи (ошган ёки камайганлиги) аниқланади, натижада хулосалар қилинади.

Аввало, жами майдон ўзгаришига сўнгра турлари бўйича хар бирининг ўзгаришига алохида бахо берилади (таърифланади), яъни ўзгариш сабаблари кўрсатилади, ўзгаришларни ўзаро бир-бирига боғлаб, умумий ўзгариш ва шу жумладан хайдаладиган ерларнинг ўзгаришининг сабаблари кўрсатилади.

Қишлоқ хўжалик ерлари ташкилий тузилишини тахлил этиш учун аввало базис ва хисобот йиллари учун хар бир ер турининг умумий майдонга нисбатан хиссасини (салмоғини) фоиз хисобида аниқлаб олиш керак. Сўнгра таққослаш усулидан фойдаланиб тахлил этилади. Хисобот йилидаги хар бир кўрсаткични салмоғини режадаги ёки ўтган йилдаги салмоғига таққослаб фарқи аниқланади ва хулосалар чиқарилади.

Хўжаликда ердан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичлари базис йилига нисбатан, ёки режа кўрсаткичларига нисбатан ошса, самарадорликнинг ошганлигини билдиради, аксинча бўлса-самарадорликнинг камайганлигини кўрсатади.

Юқорида келтирилган қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичларидан бири мисолида унинг омили тахлилини кўриб чиқамиз, яъни қишлоқ хўжалигида етиштирилган ялпи маҳсулот хисобига олинган ялпи маҳсулот хажми (ер маҳсулдорлиги) мисолида самарадорлик тахлилини қуйида келтирамиз.

Ердан фойдаланиш маҳсулдорлигини қуйидаги формула бўйича аниқлаш мумкин.

$$Мер = \frac{Я М}{К М}$$

Бунда, Мер – ер маҳсулдорлиги (1 га кадастр майдон хисобига ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот хажми):

Я М – жами ялпи маҳсулот хажми;

К М – кадастр майдон (га хисобига).

Ердан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини тахлил этишда солиштириш, занжирли алмаштириш усулларидан фойданилди.

Ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини бохолаш ва тахлил этиш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Кўрсаткичлар тизими ўз навбатида қуйидаги уч гуруҳга бўлинади:

1. Умумлаштирувчи кўрсаткичлар;
2. Хусусий кўрсаткичлар;
3. Ёрдамчи кўрсаткичлар.

Умумлаштирувчи кўрсаткичлар деганда, қишлоқ ерлари майдонининг бирлиги хисобига (1 ёки 100 гектар хисобига) етиштирилган махсулот чиқими хажмини ифодаловчи кўрсаткичларни тушунмоқ керак, яъни улар қуйидаги кўрсаткичлар билан ифодаланади:

- 1) 1 ёки 100 гектар хисобига ишлаб чиқарилган ялпи махсулот хажми;
- 2) 1 ёки 100 гектар хисобига олинган соф махсулот хажми;
- 3) 1 ёки 100 гектар хисобига олинган соф даромад хажми;
- 4) 1 ёки 100 гектар хисобига ишлаб чиқарилган озуқа бирлиги чиқими.

Ушбу умумлаштирувчи «Ер махсулдорлиги» кўрсаткичлари деб ҳам аталади.

Хусусий кўрсаткичлар бўлиб қуйидагилар хисобланади:

1. Экинлар ҳосилдорлиги;
2. Хар бир майдон тури бўйича 1 га хисобига етиштирилган озуқа миқдори (озуқа бирлиги хисобида);
3. 100 гектар таққослама қишлоқ хўжалик ери майдони хисобига ишлаб чиқарилган чорва махсулотлари миқдори (сут, гўшт хажми миқдори).

Ердан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичларидан бири бўлиб “Харажатлар қиймати” хисобланади. 1сўмлик ёки 100 сўмлик харажат хисобига ишлаб чиқарилган махсулот хажми биланхаражатлар қиймати таърифланади. 1га хисобига ишлаб чиқарилган махсулот хажми ошган сари, ердан фойдаланиш самарадорлиги ошиб боради. Харажатлар қайтими хажмининг ўзгариши икки омил таъсири остида юзага келади:

1. 1га хисобига қилинган харажатлар хажмининг ўзгариши;

2. 1га хисобига олинган ялпи махсулот (ЯМ) хажмининг узгариши. Омилларнинг таъсирини аниқлаш учун қуйидаги 3 та боғланиш кўрсаткичлари аниқлаб олинади:

1) Базис даври учун харажатлар қиймати $XK_0 = ЯМ_0 : ИХ_0$

2) Шартли харажатлар қиймати $XK_{ш} = ЯМ_0 : ИХ_1$

3) Хисобот даври учун харажатлар қиймати $XK_1 = ЯМ_1 : ИХ_1$

Ушбу кўрсаткичлар аниқлангандан кейин занжирли алмаштириш усули орқали харажатлар қайтимининг умумий ўзгариши ва омилларининг ушбу ўзгаришига таъсири аниқланади ва хулоса ёзилиб, имконият кўрсатилади.

Президент И.Каримовнинг “Ислохатлар-ислохат учун эмас, ислохотлар-инсон учун” тамойилига асосланган ижтимоий-иқтисодий механизмлар зиммасига юкланган вазифалар энг аввало, ҳаммамизга муносиб турмуш шароитларини яратиш ва хаёт фаровонлигини таъминлашга қаратилганлиги билан эътиборга моликдир.

Шу боис ҳам, Ўзбекистонда изчил амалга оширилаётган ислохатларда аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш орқали турмуш даражасини ошириш ва халқ фаровонлигини таъминлаш энг муҳим вазифалар сифатида қаралмоқда.

Инқирознинг турғунлик даврида меҳнат бозорини, мамлакатимизда амалга оширилаётган аграр ислохатлар натижасидаги ўзгаришларга мос ҳолда бошқариш, қишлоқ меҳнат бозорининг самарали моделини тузишни талаб этади.

Дунёда аҳоли сони шиддат билан ўсиб ва шунга яраша озиқ-овқат махсулотларига эҳтиёжи тобора ортиб бориши қишлоқ хўжалигидаги ислохатларни янада чуқурлаштириш, республикаимизда озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш, аҳолини ижтимоий химояланишга қаратилган чора-тадбирларни самарали тизимини яратишни тақазо этмоқда. Бу эса махсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш, фермер хўжалиги ва аҳолини томорқа ерларидан самарали фойдаланишни талаб этади.

Республикаимиз аҳолиси 2013 йил бошига 30012,1 минг киши ташкил этган холда, меҳнат ресурслари 17157,6 минг киши ёки 60 фоизини ташкил этади.

Иқтисодий ривожланган давлатларда, яъни АҚШ, Германия, Франция, Испания, Голландияда қишлоқ хўжалигида жами аҳолисининг 3 фоиздан 10 фоизгача бўлган қисми фаолият кўрсатмоқда. Улар меҳнатининг унумдорлик даражаси ниҳоятда юқори. Уларда фаолият кўрсатаётган ҳар бир киши 120 нафаргача кишини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминламоқда. Республикаимиз миқёсида бу кўрсаткич даражаси ҳозирги даврда анча паст. Демак, уни юксалтиришга алоҳида эътибор бериш лозим.

Тармоқда банд бўлган меҳнат ресурслар миқдори ва салмоғининг пасайиши республикада амалга оширилаётган агрор-иқтисодий сиёсатнинг маълум даражадаги натижасидир. Меҳнат ресурсларининг иш билан таъминлаш, уларнинг меҳнати унумдорлигини ошириш мақсадида республика Президенти И.Каримов саноатни қишлоққа олиб бориш зарурлигини асослаган холда исботламоқдалар. Шу мақсадда узокқа мўлжалланган турли хилдаги чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларни босқичма-босқич амалга оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Фермер хўжаликлари ўз эҳтиёридаги мол-мулкдан ва ер участкаларидан фойдаланиб фаолият кўрсатади.

Фермер хўжалигининг мол-мулкига: бинолар, иншоотлар, қишлоқ хўжалиги экинзорлари ва кўчатлари, дов-дарахтлар, чорва моллар, паррандалар, етиштирилган маҳсулоти, қишлоқ хўжалик техникаси, инвентал, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, пул маблағлари, интеллектуал мулк объектлари, шунингдек, фермер хўжалигининг балансидаги бошқа мол-мулклар киради.

Фермер хўжаликлари мол-мулкнинг шаклланиш манбалари қуйидагилар:

Хўжалик аъзоларининг пул моддий маблағлари; маҳсулот (ишлар, хизматлар) реализатсиясидан, шунингдек, фаолиятининг бошқа турларидан

олинган дароматлар; қимматли қоғозларидан олинган даромадлар; кредитлар; юридик ва жисмоний шахсларнинг беғараз хайрия ва бошқа бадаллари, эхсонлари; конунларда тақиқланмаган бошқа манбалар.

Фермер хўжаликлари зарур мол-мулкни ва ишлаб чиқариш воситаларини биржаларда, ярмаркаларда, бозорларда юридик ва жисмоний шахслардан сотиб олади.

Фермер хўжаликларининг мол-мулки миқдори чекланмаган бўлиб, у давлат томонидан химоя қилинади. Фермер хўжаликларининг мол-мулки уларнинг аъзоларига умумий, биргаликдаги мулк ҳисобланади.

Фермер хўжаликларининг мол-мулкни кўпайтириш ва ундан самарали фойдаланишни асосий тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан амалга ошириладиган, ўз таваккалчилиги ва мулки жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари қаторига ўрнатилган тартибда рўйхатга олинган ва тадбиркорлик фаолиятини йуритаётган юридик ва жисмоний шахслар киради. Фермер ва юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликлари кичик ва ўрта тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳисобланади.

Фермер хўжаликларини мол-мулкларидан самарали фойдаланиш йўлларига:

- мавжуд техника воситаларидан интенсив фойдаланиш;
- бино -иншоотларини ўз вақтида тамирлаб бориш;
- техника воситаларининг юк кўтариш қобилиятидан максимал фойдаланиш;
- от -арава транспортдан фойдаланиш ва бошқалар киради.

Айланма фондлар айланиши қанча секин бўлса ишлаб чиқариш самарадорлиги шунча паст бўлади. Фермер хўжаликлари узлуксиз ишлаши учун айланма фондлари билан бир қаторда муомала фондларига эга бўлиб, муомала фондларига – реализация қилишдан тушган пуллар, айланма

воситаларини сифатли ишлатиш, ташиш, сақлаш учун кетадиган харажатлардан ташкил топади. Айланма фондлар ва муомала фондлари биргаллашиб фермер хўжалигининг айланма маблағини ташкил этади. Айланма маблағларнинг 75-80 % и айланма фондларини ташкил этади.

Моддий-техника ресурсларига – ишлаб чиқаришнинг моддий воситалари, бинолар, иншоотлар, машиналар, тракторлар, комбайнлар, барча турдаги кимёвий воситалар, ўғитлар, уруғликлар, ем-хашаклар, ёнилғи-мойлаш, қурилиш ва бошқа материаллар киради.

Ҳозирги шароитда хўжалик юритувчи субъектларининг вужудга келиш ва ривожланишнинг асосий шартларидан бири унинг самарадорлиги даражаси билан белгиланади. Самарали хўжалик юртиш рақобатли бозор мухитида хўжаликнинг яшовчанлиги ва тараққиётини белгилаб берувчи энг асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган иқтисодий ресурслар (ер, капитал, меҳнат ва шу каби бошқалар) чекланган хусусиятга эга бўлиб, бу ҳолат улардан имкони борича унумли, самарали фойдаланишни талаб этади.

Самарадорлик муаммоси товар ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш ресурсларидан максимал даражада тежаб-тергаб фойдаланиш билан боғлиқ. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тадбиркорлик фаолияти фермернинг бир ўзининг таваккалчилиги, хатарларнинг борлигини кўра-била туриб иш тутиш заруриятидан келиб чиқадиган бир пайтда самарадорлик аҳамияти ортади.

Самарадорлик ва иқтисодий самарадорлик тўғрисида иқтисодчилар томонидан турлича таърифлар келтирилади. Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг профессорлари Б.Салимов, Б.Беркинов, Қ.Хамдамов ва бошқалар томонидан тайёрланган “Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди” номли ўқув қўлланма (Т-2004.: - 134- бет) да ишлаб чиқариш самарадорлиги жуда мураккаб иқтисодий категория эканлиги изоҳланади, объектив иқтисодий қонунлар, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асосини ифода этувчи натижани, яъни оқибатни акс эттиради. Оқибат ёки натижа ҳар

кандай фаолиятнинг мақсадидир. Самара тушунчаси билан иқтисодий самара тушунчасини фарқлаш керак.

Самара – бу кенг тушунча бўлиб, ҳар қандай тадбир ёки фаолиятнинг натижасида, ўғитлардан фойдаланиш самараси, экинлар ҳосилдорлигини ошишида, ем-хашак самаралар ва маҳсулдорлиги ошишида ифодаланadi. Аммо бу самара, яъни ҳосилдорлик ва маҳсулдорликнинг ошиши бу тадбирлар қанчалик фойдалилигини кўрсатмайди.

Ўғитлардан фойдаланиш натижасида дон экинлари ҳосилдорлиги, бу тадбирларни меҳнат самарадорлигини ифода этса, тадбирни ўтказиш билан боғлиқ ҳаражатлар билан, бунинг натижасида олинган даромадни таққослаш иқтисодий самарадорликни ифодалайди.

Иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқариш воситалари ва жонли меҳнатни қўллаш орқали олинган фойдани натижа ёки жами ресурслар биргина олинган даромадни таққослаш орқали ифодалайди.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги тўғрисида иқтисодчи олимлар Ю.Дадабоев, А.Салимов ва бошқалар томонидан тайёрланган “Фермер хўжалиги иқтисодиёти ўқув қўлланмаси (Т. 2005 й. 213-бет) да иқтисодий категория эканлиги таъкидланиб, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг моҳиятини акс эттиради, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш унинг хос бўлган асосий мақсадларга эришиш даражасини ифодалаб беради.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ҳар бир корхона тўла иқтисодий ва ҳуқуқий мустақилликка эга бўлганлиги учун асосий мақсади ўзига бириктирилган ресурслардан тўла ва самарали фойдаланишга қаратилган бўлиб, шу ресурслар бирлигига қанча кўп даромад ва фойда олса, рақобат курашида шунча устунликка эга бўлади. Фермер хўжалиги фаолиятини баҳолашда иқтисодий самарадорликнинг асосий мезони сифатида хўжалик ҳаражатлари бирлигига олинган соф фойдани қўллаш мақсадга мувофиқдир.

П-БОБ. БУЛОҚБОШИ ТУМАНИДАГИ ПЎЛАТ ФАРҲОДБЕК ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИНГ МАВЖУД ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.

2.1. Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигининг табиий-иқтисодий шароитлари ва имкониятлари.

Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалиги Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги Мойариқ қишлоқ фуқоралар йиғини, Мойариқ МФЙда жойлашган. Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалиги қулай шарт-шароитга эга бўлган, аҳоли пунктига яқин жойлашган, оқава сув билан таъминланган, ўртача тупроқ унумдорлигига эга бўлган, текисликда жойлашган йирик фермер хўжаликлар қаторига киради.

Фермер хўжалиги вилоят марказидан 30 километр, туман марказидан 12 километр узоқликда жойлашган. Пахта тозалаш заводидан 15 километр ва дон маҳсулотларини қабул қилиш корхоналари мос ҳолда 15 километр узоқликда, фермер хўжалиги Булоқбоши туман ОАЖ ММТПсидан ҳамда Ўзқишлоқхўжаликкимё ташкилотидан 10-12 километр, шунинг билан биргаликда пиллакашлик корхонасидан 13 км, Гурунч мозор нефтбазадан эса 20 км узоқликда жойлашган.

Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалиги 2006 йил 22 декабрда туман ҳокимининг 342-Қ сонли қарори асосида фермер хўжалиги сифатида ташкил топди. Ўзбекистон Республика Президентининг 2009 йил 22 октябрдаги Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участка майдонларини янада мақбуллаштириш чора тадбирлари тўғрисидаги Ф-3287 сонли фармойишига асосан вилоятимиз туманларида ҳам бирқатор ишлар олиб борилди. Ана шу фармойишга асосан Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигини раҳбарининг туман ҳокимига ёзган аризасига биноан 2009 йил 1 ноябрда туман ҳокимининг 546-к сонли қарорига асосан Усмонободлик Олимжон фермер хўжалиги ерларидан 31 гектар, Водий ниҳол гулшани фермер хўжалиги ерларидан 27 га, Зарчаноқ Зўрчаноқ фермер хўжалиги ерларидан 23 га ер участкаси ажратилган. Жами ер майдони 2013 йил учун 103,8 гектар этиб белгиланди, жумладан 93,8 гектар экин майдони

ҳисобланиб, бундан ташқари 4,8 гектари йўллар билан, 2,7 гектари сув иншоатлари билан, 2,5 гектари тутзорлар билан банд.

Фермер хўжалигига ер участкаси 49 йил муддатга ижарага фойдаланиш учун берилди. Ушбу ерларни суғоришда фермер хўжалиги Мойариқ мироби сув истеъмолчилари уюшмаси орқали Савайариқ сувларидан суғориб келади. Фермер хўжалиги шарқ томонидан Чиноров Қўзибой полвон фермер хўжалиги экин майдони билан, шимол томонидан И.Тўхтабоев фермер хўжалиги экин майдони билан, ғарб томондан Рахимбой фермер хўжалиги экин майдони билан, жануб томондан Булоқ анор гавҳари фермер хўжалиги экин майдони билан чегарадош ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигининг жойлашган ўрни ўта қулай бўлиб, келажакда бу имкониятлардан самарали фойдаланиш мумкин. Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигини жойлашган ҳудуднинг табиий-иқлим шароити кескин континентал бўлиб, ёзи иссиққ, қиши эса совуқдир. Ёз фаслида ҳаво ҳарорати +38 +40 даражагача кўтарилса, қиш фаслида -9 -10 даражагача пасайиши мумкин. Йиллик ёғин миқдори талаб даражасида бўлмаганлиги сабабли суғориб деҳқончилик қилинади. Фермер хўжалигини сув билан таминланганлик даражаси талаб даражасида, лекин ғўза вегетацияси даврида маълум даражада сув танқислиги сезилиб туради.

Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалиги тумандаги Халқ банкининг бўлимида ўз ҳисоб рақамини очган бўлиб, банк Х/Р 202080006041877130001, МФО 00664, солиқ тўловчининг ИФН 200925834 билан ўз операцияларини амалга ошириб келмоқда.

Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалиги ўз иқтисодий муносабатларини фаолиятини олиб боришда асосан тумандаги пахта тозалаш заводи, дон маҳсулотларини қабул қилиш корхонаси, туман ОАЖ МТПси, ҳамда Ўзкимё ташкилоти, пиллакашлик корхонаси, нефтбаза шунинг билан биргаликда ўсимликларни ҳимоя қилиш, сувдан истеъмолчилар уюшмалари билан олиб боради.

1-жадвалда Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарходбек фермер хужалиги 49 йил муддатга ижарага берилган ер участкасининг мелоратив ҳолати талаб даражасида бўлиб ер ости сувларидан 5-6 метр чуқурликда жойлашган, ерлари шўрланмаган. Тупроғи типик бўз-тупрок хисобланиб нисбатан олинганда тупрок унумдорлиги, фойдали элементлар ва гумус миқдори ўртача.

1-жадвал

Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарходбек фермер хўжалигини ижарага берилган ер участкаларини тупрок бонитет баллари

№	Ер участкалари		Бонитет баллари	Ер майдони га	Ўртача бонитет бали	Карталар сони
	Кадастр гуруҳлари	Синфлари				
1	1 кадастр гуруҳи	1 синф	0дан-10гача	-	-	-
		2 синф	11дан-20гача	-	-	-
2	2 кадастр гуруҳи	3 синф	21дан 30гача	-	-	-
		4 синф	31дан-40гача	-	-	-
3	3 кадастр гуруҳи	5 синф	41дан-50гача	-	-	-
		6 синф	51дан-60гача	-	-	-
4	4 кадастр гуруҳи	7 синф	61дан-70гача	-	-	-
		8 синф	71дан-80гача	103,8	72	6
5	5 кадастр гуруҳи	9 синф	81дан-90гача	-	-	-
		10 синф	91дан-100гача	-	-	-
	Жами	х	х	103,8	72	6

Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарходбек фермер хўжалигида ер участкасидан фойдаланиш ҳолати ҳам юқори даражада бўлиб йилдан-йилга экин экилади. Пахта ва буғдой ҳосилдорлиги ортиб бормокда. Фермер хўжалиги Мойариқ массивидаги илғор хўжаликлардан бири ҳисобланади.

Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарходбек фермер хўжалик ерлари Мойариқ массивида жойлашган. Хўжалик ерларида сизот сувлари 3-4 метр

чуқурликда жойлашган. ерлари бўз тупроқлардан иборат бўлиб, тупроқда 0,8-1,2 фоизгача чиринди ва 0,5 фоизгача азот борлиги билан характерланади. Тупроқдаги чиринди микдори ўртача, экинлардан юқори ҳосил олиш учун ўғитлардан фойдаланиш зарур.

2-жадвалда Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигини экин майдони ва уни таркиби берилган. Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, охириги

2-жадвал

Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигини экин майдонлари ва унинг таркиби

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2011 й.		2012 й.		2013 й.		2013 й. 2011 й. га нисб, %
			мик-дори	%	мик-дори	%	мик-дори	%	
1.	Жами экин майдони	га	67,4	100	93,8	100	93,8	100	139,2
2	Шундан: -	га	32,7	48,5	49,4	52,7	41,7	44,5	127,5
	пахта	га	32,7	48,5	49,4	52,7	41,7	44,5	127,5
	хосилдорлик	ц/га	31,6	х	32	х	33,5	х	106,0
	ялпи ҳосил	ц	1033,3	х	1580,8	х	1397,0	х	135,2
	-Дон	га	34,7	51,5	44,4	47,3	52,1	55,5	150,1
	хосилдорлик	ц/га	63,2	х	63,9	х	64,3	х	101,7
	ялпи ҳосил	ц	2193,0	х	2837,2	х	3350,0	х	152,8
4	Ходимлар сони	нафар	30	100	41	100	41	100	136,7
	Шундан:	нафар							
	пахтачиликда	нафар	25	83,3	35	85,4	35	85,4	140,0
	дончиликда	нафар	5	16,7	6	14,6	6	14,6	120,0
5	Erни бонитет бали	балл	72	х	72	х	72	х	100,0

йилларда фермер хўжалигининг жами экин майдони ўзгармаган. Экин майдони 2011 йилда 67,4 гектарни ташкил қилган бўлса, 2013 йилда ҳам 93,8 гектарни ташкил қилган. Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигининг экин майдони таҳлил этилаётган 2011-2013 йилларда ўзгармаган. Хўжаликдаги пахта майдонлари 32,7 гектардан 41,7 гектаргача ошиб, 2013 йилда 2011 йилга нисбатан 127,5% га ошган. Буғдой экилган майдонлар эса 34,7 гектардан 52,1 гектаргача ёки 150,1

фоизга ортган.

Жами экин майдонига нисбатан пахта майдонларининг улуши 48,5% дан 44,5% га камайган, ғалла майдонларининг улуши эса аксинча 51,5 % дан 55,5 % га ортган. Шу билан бир вақтда пахта ҳосилдорлиги 106,0 % га кўпайган, буғдой ҳосилдорлиги 101,7 % ортиши таъминланган.

Фермер хўжалигида пахта ҳосилдорлиги ўртача бўлиб, гектарига 35,6 центнерни ташкил этади, ғалла бўйича ҳам яхши кўрсаткичга эга, яъни 65,4 центнерни ташкил этади. Лекин, хўжаликда пахта ва ғалла ҳосилдорлигини янада кўтариш имкониятлари мавжуд. Фермер хўжалигида пахтани АН- 36 нави, буғдойни эса Крошка нави экилади. Жумладан, хўжаликка узок муддатга ижарага берилган ер участкасининг бонитет бали 72 ни ташкил этиб уни кутариш чора-тадбирларини куриш лозим. Яъни ер участкасининг мелоратив холатини ошириш мумкин. Ундан ташқари хўжаликда самарали технологиялардан фойдаланиш имкониятлари ҳам бор.

3-жадвалда Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигининг аъзолари ва уларнинг таркиби тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилган. Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, фермер хўжалигида жами 41 нафар ходимлар фаолият кўрсатиб улардан 6 таси буғдой етиштиришда, 35 таси пахта етиштиришда, 3 таси тракторчи, 6 таси сувчи ва 32 таси бошка ишларда фаолият кўрсатиб келишмоқда Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигида банд бўлган ни 41 нафар ходимнинг 18 нафарини эркаклар ва қолган 23 нафарини аёллар ташкил этади.

Хўжалик ходимларидан 2 таси олий, 8 таси ўрта-махсус ва 31 таси умумий ўрта маълумотга эгадир. Хўжалик аъзоларини ўртача ёши 34 ёшни ташкил этади. Ходимларнинг барчаси 1 йиллик меҳнат шартномаси асосида фаолият кўрсатиб келишмоқда. Фермер хўжалигида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг 24 фоизини олий ва ўрта махсус маълумотлилар қолган 76 фоизини умумий ўрта маълумотлилар ташкил этади.

**Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарходбек фермер хўжаликгининг
аъзолари ва уларнинг таркиби тўғрисидаги маълумотлар**

№	Аъзоларнинг исми ва шарифи	Туғил- ган йили	Маълу -моти	Касби	Иш стажи	Бошлиққа аълоқаси
1	Жўраев Ж.	1963	Ўрта- махсус	ф/х бош- лиғи	28	ўзи
2	Жўраева М.	1965	м/ўрта	ҳисобчи	22	тур. ўртоғи
3	Жўраев П.	1984	т/олий	иктисодчи	10	ўғли
4	Жўраев Ф.	1986	м/ўрта	тракторчи	8	жияни
5	Хошимов К.	1965	м/ўрта	тракторчи	31	укаси
6	Султонов Ж.	1974	м/ўрта	тракторчи	19	йўқ
7	Илёсов М.	1974	м/ўрта	сувчи	19	йўқ
8	Акбаров Н.	1975	м/ўрта	сувчи	18	йўқ
9	Назаров Ш.	1976	м/ўрта	сувчи	17	йўқ
10	Салимов Б.	1977	м/ўрта	сувчи	16	йўқ
11	Асқаров Д.	1972	ўрта	сувчи	21	йўқ
12	Каримов О.	1972	ўрта	сувчи	21	йўқ
13	Жўрабоева Ч.	1970	ўрта	аъзо	23	йўқ
14	Хусанова Х.	1969	ўрта	аъзо	24	йўқ

15	Расулов З.	1965	ўрта	аъзо	31	йўқ
16	Ўктамova Б.	1974	ўрта	аъзо	19	йўқ
17	Давронова С.	1974	ўрта	аъзо	19	йўқ
18	Усмонова М.	1976	ўрта	аъзо	17	йўқ
19	Валиева Ш.	1970	ўрта	аъзо	23	йўқ
20	Қосимова П.	1966	ўрта	аъзо	15	йўқ
21	Достонова Ҳ.	1975	ўрта	аъзо	18	йўқ
22	Рустамова Л.	1975	ўрта	аъзо	18	йўқ
23	Фозилова Н.	1966	ўрта	аъзо	30	йўқ
24	Ғаниева Г.	1974	ўрта	аъзо	19	йўқ
25	Обидова А.	1975	ўрта	аъзо	18	йўқ
26	Сатторова Х	1977	ўрта	аъзо	16	йўқ
..
41	Юнусова Ж.	1982	ўрта	аъзо	10	йўқ

Юқоридаги келтирилган маълумотлар фермер хўжалиги таркибини ҳали талаб даражасидан анча паст эканлигини асослайди. Шунинг учун ҳам фермер хўжалиги раҳбарияти касбий тайёргарликка ва ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган ходимлар ҳиссасини кескин ошириш чора-тадбирларини кўриши лозим.

Асосий воситалар деб ишлаб чиқариш жараёнида кўп марта қатнашиб,

Ўзининг қийматини маҳсулотга қисман ўтказадиган воситаларга айтилади. Асосий воситалар таркибига қуйидагилар киради: тракторлар, комбайнлар, қишлоқ хўжалиги машиналари, автомашиналари, бино-иншоотлар, кўп йиллик дарахтзорлар, ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар ва бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган воситалар киради.

Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигини моддий-техника базасини қуйидаги маълумотлар асосида кўриб чиқамиз. **4-жадвалда** Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалиги 2011-2012-2013 йиллари Микрокредит банкдан фермер хўжаликларига берилган имкониятлардан фойдаланиб 34335000 сўмга лизингга 1 та чопиқ трактори ТТЗ-80, 10927500 сўмга 1 та культиватор КХУ-4 сотиб олинган. Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги техникаларига керакли қишлоқ хўжалиги машиналари билан тўла таъминланган. Улар жумласига 1 та чопиқ трактори ТТЗ-80, 1 та культиватор КХУ-4, 2 та прицеп ЛТС-4-793 ва шу каби бошқа мосламалари бор. Барча техникалар ва қишлоқ хўжалик машиналарининг техник жиҳатдан созлиги талаб даражасида бўлиб мунтазам техник кўриклардан ўтказилиб турилади.

4 -жадвал

**Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигида
1.01.2014 йил ҳолатига мавжуд қишлоқ хўжалиги
техникалари ва уларнинг ҳолати тўғрисидаги маълумот**

т\р	Техника тури	Сони	Қолдик қиймати, минг сўм	Ҳолати
1.	Чопиқ трактори ТТЗ-80	1	34335,0	яроқли
2.	Культиватор КХУ-4	1	10927,5	яроқли
3.	Прицеп ЛТС-4-793	2	24781,0	яроқли
	Жами техникалар ва тиркамалар сони	9	70043,5	яроқли

Бундан ташқари, фермер хўжалиги туман МТП билан шартнома тузиб техникалардан фойдаланади. Юқорида келтирилган маълумотлар Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигини тумандаги иқтисодий жиҳатдан ривожланган,

йирик ва молиявий ҳолати нисбатан олинганда барқарор бўлган хўжалик эканлигини тўла асослайди.

Биз ўрганган Булокбоши туманидаги Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигида маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган барча муносабатлар ҳамма талабларга жавоб бера оладиган даражадаги шартномалар асосида амалга оширилади.

Жумладан, Пахта тозалаш заводи билан, дон маҳсулотларини қабул қилиш корхонаси билан, фермер хўжалиги туман ОАЖ МТПсидан ҳамда Ўзкимё ташкилотлари билан биргаликда, Пиллакашлик корхонаси ҳамда , нефтбаза билан 1 йиллик шартномалар имзолаб ўз вақтида бажариб келишмоқда.

Шартномалар ҳар икки томоннинг эркин келишуви асосида тузилиши шарт. Шартномаларни тузишдан олдин томонлар бозорни (маркетинг масалаларини) мукамал ўрганишлари, хўжалик раҳбарлари, бош мутахассислар, менежерлар зарур воситаларни қаердан, қачон, қандай баҳоларда, қанча ва қандай усулларда олиш мумкинлигини, шунингдек, ўз маҳсулотларини фойдаси билан сотиш йўллари, хўжалик раҳбарлари, шунингдек, амалиётдаги қонун ва қоидаларни ҳам мукамал билишлари, улар асосида иш юритишлари керак.

2.2. Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигининг мавжуд ҳолати таҳлили.

Фермер хўжалигида кишлок хўжалиги маҳсулотлар етиштириш суғориш сувлардан фойдаланиш ҳисобига амалга оширилади. Бунда уларнинг иқтисодий самарадорлигини таъминлаш ва ошириб бориш ҳар бир фермер хўжалиги учун муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади. Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигида суғориш сувлардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигини мавжуд ҳолатини ўрганиб чиқиш жараёнида қуйидаги кўрсаткичларни аниқлаб, уларни таҳлил қиламиз.

Хўжаликда охириги уч йилликда ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлиги, асосий экин турларидан бири бўлган пахта етиштириш иқтисодий самарадорлиги, пахтани сувга бўлган талаби ва уни таъминланиши, суғориш суви маҳсулдорлиги, яна бир асосий экин турларидан ҳисобланган буғдой етиштириш иқтисодий самарадорлиги маҳсулот етиштириш ҳаражатлари ва уларнинг таркиби, пахта ва буғдой етиштириш иқтисодий кўрсаткичларини ўрганиб, таҳлил қиламиз.

Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалиги пахта-буғдой етиштиришга ихтисослашган бўлиб, ушбу экин турлари кўплаб миқдорда сув талаб қилади.

Суғориш сувлардан фойдаланиш ҳолати ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларга бевосита таъсир кўрсатадиган омиллардан ҳисобланади. Шунинг учун улардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлиги йилдан йилга ўсиб борса корхона фаолияти юксалиб боради. Бунда ишлаб чиқариш ҳаражатлари, ялпи маҳсулот, фойда, 1 га ҳисобига олинган ялпи маҳсулот, фойда, бир ходим ҳисобига олинган ялпи маҳсулот, иш ҳақи, рентабиллик даражаси охириги уч йилда қандай бўлганлиги кўриб чиқилади.

Шунингдек, мавжуд камчиликлар аниқланади. Бунда асосан кишлок хўжалиги маҳсулотлари таннархлари ва баҳолари ўртасидаги ўзгаришлар, экин майдонлари ҳажмидаги ўзгаришлар, уларни сув билан таъминланишдаги ўзгаришлар аниқланади.

Хўжалик ишлаб чиқаришларининг иқтисодий самарадорлиги охириги уч йилликда қандай бўлганлигини билиш мақсадида **5 – жадвал** маълумотлари келтирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, охириги уч йилда хўжалик экин майдонининг кескин яъни 2011 йилдаги 66 гектардан 2013 йилги 67 гектарча ортганлиги кузатиляпти. Пахта майдонлари кузатилаётган вақт ичида 1 гектарга ёки 101,5% га ортган бўлса, буғдой майдонлари эса, 1 гектарга ёки 98,0% га қадар камайганлигини кўриш мумкин.

5- жадвал

**Булокбоши туманидаги Пўлат Фарходбек фермер хўжалигини
иқтисодий самарадорлиги**

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирли- ги	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2013йилда 2011 йилга нисбатан, %
1	Экин майдони	га	67,4	93,8	93,8	139,2
	а) пахта	га	32,7	49,4	41,7	127,5
	б) буғдой	га	34,7	44,4	52,1	150,1
2	Ишлаб чиқариш ҳаражатлари	м.с	96683	164814	187988	194,4
	шундан: иш ҳақи	м.с	25665	44274	49623	193,3
3	Ходимлар сони	нафар	30	41	41	136,7
4	Ялпи маҳсулот	м.с	116814	200673	238022	203,8
5	Фойда	м.с	20132	35860	50034	248,5
6	1 га ҳисобига: а) ялпи маҳсулот	м.с	1733,1	2139,4	2537,5	146,4
	б) фойда	м.с	298,7	382,3	533,4	178,6
7	1 ходим ҳисоби га: а) ялпи маҳсулот	м.с	3337,5	5733,5	6611,7	198,1
	б) иш ҳақи	м.с	733,3	1265,0	1378,4	188,0
8	Рентабеллик	%	20,8	21,8	26,6	+5,8

Сўнги уч йилликда жами ишлаб чиқариш ҳаражатлари 194,4% га ортган бўлса, иш ҳақи ҳаражатлари асосан пахта майдонлари ортиши эвазига 193,3% га қадар кўпайган . Ялпи маҳсулот эса шу вақт мобайнида 203,8% га

ўсган. Ялпи маҳсулот ўсишининг ишлаб чиқариш ҳаражатларининг ўсишига нисбатан тезроқ бўлиши эвазига маҳсулот етиштиришдан олинган фойданинг 248,5% га ёки 2,4 мартадан зиёд кўпайишини таъминлаган.

Кузатилаётган даврда фермер даромади 285,4% га ёки 2,8 мартадан ортиқ кўпайиши маълум маънода Пўлат Фарходбек фермер хўжалиги аъзоларининг моддий манфаатдорлиги даражасини яхшиланишига кўмаклашган десак янглишмаган бўламиз.

2011-2013 йиллар мобайнида юқоридагилар натижасида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларидан бўлган 1 гектар экин майдони ва 1 ходим ҳисобига олинган ялпи маҳсулот, фермер даромади, иш ҳақини ҳам ортганлигини кўриш мумкин. Жумладан, 1 гектар экин майдони ҳисобига тўғри келган ялпи маҳсулот 146,4% га, фойда 178,6% га ортган бўлса, 1 ходим ҳисобига тўғри келган ялпи маҳсулот 198,1% га кўпайган, иш ҳақи эса, 188,0% га қадар кўпайган.

Пўлат Фарходбек фермер хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги тадқиқот даври мобайнида маълум даражада яхшиланган дейиш мумкин. Буни биз самарадорликнинг асосий иқтисодий кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражасидан ҳам яққол кўришимиз мумкин. Хўжаликнинг рентабеллик даражаси 20,8% дан 26,6% га ёки +5,8 % га кўтарилган. Лекин рентабеллик даражасини янада оширилсагина хўжалик жадал ривожланиши учун етарлича молиявий имкониятларга эга бўлади.

Хўжалик ишлаб чиқаришининг асосларидан бири бўлган пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини сўнгги йиллардаги ҳолати юқоридаги **6 – жадвал** маълумотларида акс эттирилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, охириги уч йилда хўжаликнинг пахта майдонлари ўзгариб турган яъни 2011 йилдаги 32,7 гектардан 2013 йилги 33,5 гектарга кўпайиши кузатиляпти. Тадқиқот даври мобайнида пахта етиштириш ҳаражатлари 176,0% га, шу жумладан, иш ҳақи ҳаражатлари 176,6% га кўпайган бўлса, ялпи маҳсулот 180,7% га ўсган. Шу билан биргаликда, 1 центнер пахтани сотиш баҳосининг ўсиши

**Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигида пахта
етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги**

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2013 йилда 2011 йилга нисбатан, %
1	Экин майдони	га	32,7	49,4	41,7	127,5
2	Хосилдорлик	ц/га	31,6	32	33,5	106,0
3	Ялпи хосил	ц	1033,3	1580,8	1397,0	135,2
4	Ишлаб чиқариш харажатлари	м.с	55076	98231	96934	176,0
	шундан: иш хаки	м.с	16137	28094	28499	176,6
5	Ходимлар сони	нафар	25	35	35	140,0
6	Ялпи маҳсулот	м.с	62361	111984	112664	180,7
7	Фойда	м.с	7285	13753	15730	215,9
9	1ц пахтани таннархи	сўм	53300	62140	69390	130,2
10	1ц пахтани сотиш баҳоси	сўм	60350	70840	80650	133,6
11	1 га ҳисобига: а) ялпи маҳсулот	м.с	1907,1	2266,9	2701,8	141,7
	б) фойда	м.с	222,8	278,4	377,2	169,3
12	1 ходим ҳисобига: а) ялпи маҳсулот	м.с	2494,4	3199,5	3219,0	129,0
	б) иш хаки	м.с	645,5	802,7	814,2	126,1
13	Рентабеллик	%	13,2	14,0	16,2	+3,0

(133,6%) ни 1 центнер пахта таннархининг ўсиши (130,2%) га нисбатан тезроқ бўлганлаган кўриш мумкин. Пахта майдонларининг кўпайиши оқибатида маҳсулот етиштиришдан олинган фойдани 215,9% гача ёки 2,2 мартага кўпайишига олиб келган.

Кузатилаётган даврда фермернинг пахта етиштиришдан олган даромади 221,8% гача ёки салкам 2 мартага кўпайиши содир бўлган. Аммо,

маълум маънода Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалиги аъзоларининг моддий манфаатдорлигини яхшиланишига кўмаклашишини таъкидласак муболаға бўлмайди.

Охириги уч йилликда юқоридагилар натижасида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларидан бўлган 1 гектар экин майдони ва 1 ходим ҳисобига олинган ялпи маҳсулот, фермер даромади, иш ҳақини ҳам ортганлигини кўриш мумкин. Жумладан, 1 гектар пахта майдони ҳисобига тўғри келган ялпи маҳсулот 141,7% га ортган бўлса, фойда 169,3% га кўпайган, 1 ходим ҳисобига тўғри келган ялпи маҳсулот 129,0% га, иш ҳақи 126,1% га ортган.

Хўжаликда пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги 2011-2013 йиллар мобайнида маълум даражада яхшиланган дейиш мумкин. Буни биз самарадорликнинг яқунловчи иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражасидан ҳам яққол кўришимиз мумкин. Хўжаликнинг пахта етиштиришдаги рентабеллик даражаси 13,2% дан 16,2% га ёки +3,0% га кўтарилган. Ўсиш яхши, лекин, хўжаликда пахта етиштириш рентабеллигини оптимал даража 35 – 40% га етказиш керак.

Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигининг сўнгги уч йилликда пахта етиштиришга сарфлаган ҳаражатларидаги таркибий ўзгаришларни 7 – жадвал маълумотлари орқали аниқлаш мумкин. Жадвал маълумотлари асосида ҳаражатлардаги таркибий ўзгаришларни янада яхшилаш ҳисобига балки, пахта етиштириш иқтисодий самарадорлигини ошириш мумкин бўлар.

7 – жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, хўжаликда пахта етиштиришга сарфланган моддий ҳаражатларнинг улуши 2011 йилдаги 57,4% дан 2013 йилги 59,2% га ёки 1,8 %га ортганига мос ҳолда уруғлик, ўғитлар, кўрсатилган иш ва хизматларнинг ҳиссасини ҳам ортганини кўришимиз мумкин. Ҳаражатларнинг бу турлари пахта хосилдорлигига бевосита таъсир этишлигини ҳисобга олсак, ушбу ҳолатни ижобий деб баҳолаш қийин. Моддий ҳаражатлар орасида ЁММ ва бошқа моддий

**Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигида пахта
етиштириш ҳаражатлари ва уларнинг таркиби**

№	Ҳаражатлар тури	2011 йил		2012 йил		2013 йил	
		м.с	%	м.с	%	м.с	%
1	Моддий ҳаражатлар	67038	57,4	86772	58,5	97981	59,2
	а) уруғлик	5956	5,1	8603	5,8	9765	5,9
	б) ўғитлар	27563	23,6	34264	23,1	41212	24,9
	в) Ё.М.М	21256	18,2	24177	16,3	29957	18,1
	г) иш ва хизматлар	4788	4,1	8603	5,8	7944	4,8
	д) бошқа моддий ҳаражатлар	7475	6,4	11125	7,5	9103	5,5
2	Меҳнат ҳақи ҳаражатлари	33869	29	40790	27,5	48825	29,5
3	Ижтимоий ажратмалар	9577	8,2	12905	8,7	11420	6,9
4	Асосий воситалар ва номоддий активлар эскириши	3621	3,1	4598	3,1	5958	3,6
5	Бошқа ҳаражатлар	2686	2,3	3263	2,2	2814	1,7
	Жами ҳаражатлар	116791	100	148328	100	165509	100

ҳаражатлар улушининг камайиши кузатиляпти. Умуман олганда, хўжаликда яқин келажакда моддий ҳаражатларнинг улушини янада ошириш зарур. Чунки, ушбу ҳаражатлар пахта етиштириш ва унинг миқдорини оширишда ўта муҳим аҳамиятга эга.

Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалиги аъзолари ва шартнома асосида ишловчи ходимларнинг меҳнат ҳақи ҳаражатларининг улуши тадқиқот

даврида 29,0% дан 29,5% га ошган. Ушбу ҳолатни давом эттириш ходимларнинг моддий қизиқишини оширганлиги туфайли иқтисодий самарадорликни ўсишининг асосий омилларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Пахта етиштиришга бевосита алоқаси бўлмаган бошқа ҳаражатлар улушини йилдан йилга камайтириб боришга эришиш лозим. Бу борада хўжаликдаги ҳолат қониқарли. Яъни бошқа ҳаражатлар улуши ўрганилаётган вақт мобайнида 2,3% дан 1,7% га камайган. Лекин, ушбу ҳаражатлар улушининг қисқаришига ҳаракатларни давом эттириш талаб этилади.

Пахта етиштириш иқтисодий самарадорлигини ўрганишда тайёрланаётган пахта хом-ашёсининг сифатини яхшилаш ҳолатини кўриб чиқиш ва тегишли ечимларни излаб топиш ўта долзарб вазифалар саналади. Шунинг учун, қуйидаги **8 – жадвалда** Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигини 2011 – 2013 йилларда давлатга сотган жами пахтасининг навлар буйича тақсимланишини кўриб чиқамиз. Жадвал маълумотларига кўра, охириги 3 йилда пахта хом- ашёсини тайёрлаш сифати яхшиланиб бормоқда.

Жумладан, 2011 йили жами етиштирилган 1033,3 центнер пахта хом-ашёсининг 74,5% и биринчи саноат навининг биринчи синфига, 7,2% и биринчи саноат навининг иккинчи синфига, 4,9% и биринчи саноат навининг учинчи синфига, 7,4% и иккинчи саноат навининг биринчи синфига сотилган бўлса, қолган 6% и иккинчи саноат навининг иккинчи синфига сотилган.

2013 йилда етиштирилган жами 1397,0 центнер пахта хом-ашёсининг 85,4% и биринчи саноат навининг биринчи синфига, 10,2% и биринчи саноат навининг иккинчи синфига, 4,4% и биринчи саноат навининг учинчи синфига, 7% и иккинчи саноат навининг биринчи синфига сотилган бўлса, қолган 4% и иккинчи саноат навининг иккинчи синфига сотилган.

Буларнинг барчаси ушбу хўжаликда етиштирилаётган пахта хом-ашёси сифатидаги ижобий ўзгаришларни ифодалайди. Бироқ, бу етарли эмас. Хўжаликда етиштирилаётган пахта хом-ашёсини 100% биринчи саноат навларига сотилишига эришиш зарур. Чунки, пахта хом-ашёсининг сифатини

**Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигини
сотилган жами пахтани навлар бўйича тақсимланиши.**

Саноат нави	Синфи	2011 йил		2012 йил		2013 йил	
		миқдори ц	%	миқдори ц	%	миқдори ц	%
1	1	769,8	74,5	1237,8	78,3	1261,4	90,3
	2						
	3						
	Жами	769,8	74,5	1237,8	78,3	1261,4	90,3
2	1	74,4	7,2	192,9	12,2	102,0	7,3
	2						
	3						
	Жами	74,4	7,2	192,9	12,2	102,0	7,3
3	1	50,6	4,9	105,9	6,7	33,5	2,4
	2						
	3						
	Жами	50,6	4,9	105,9	6,7	33,5	2,4
4	1						
	2						
	3						
	Жами						
5	1	138,5	13,4	44,3	2,8		
	Жами	138,5	13,4	44,3	2,8		
Ҳаммаси		1033,3	100	1580,8	100	1397,0	100

яхшилаш пахтанинг ўртача давлат харид баҳосини яъни пул даромадини ошишини таъминлайди. Бу эса, ўз навбатида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини яхшиланишига олиб келади.

Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигини пахта етиштириш иқтисодий самарадорлигининг мавжуд ҳолатига янада тўлиқроқ баҳо бериш мақсадида Булоқбоши тумани бўйича пахта етиштираётган фермер хўжаликларининг ўртача иқтисодий кўрсаткичлар билан хўжаликдаги иқтисодий кўрсаткичларни ўзаро таққослаймиз. Бу хўжаликни тумандаги фермер хўжаликлари орасида сўнгги йилда пахта етиштириш бўйича эгаллаган мақеини ифодалаб беради. Ана шу мақсадда қуйидаги 9 – жадвал маълумотларини келтирамиз.

9-жадвалда Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигини Булоқбоши тумани билан 2011 йилги пахта етиштиришнинг солиштирма иқтисодий кўрсаткичлари акс эттирилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигида пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги туманга нисбатан устун даражада юқоридир. Буни биз иқтисодий самарадорликнинг яқунловчи кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражасидан яққол кўришимиз мумкин. Фермер хўжалигини эришилган рентабеллик даражаси 2013 йили 16,2 фоизга тенг бўлиб, у туманга нисбатан +10,2 даражага юқоридир. Ундан ташқари, фермер хўжалигининг бошқа хусусий кўрсаткичлари ҳам туманга нисбатан анча юқоридир. Жумладан, фермер хўжалигида пахта ҳосилдорлиги 112,7 фоизга, бир гектар ҳисобига олинган ялпи маҳсулот 104,5 фоизга ва фойда ҳажми 116,6 фоизга юқоридир. 2013 йилда фермер хўжалигида 1 центнер пахта хом-ашёсини ўртача таннархи 69 390 сўмни, Булоқбоши туманида эса 71 100 сўмни ташкил этади. Бу Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигида пахта хом-ашёсини етиштириш таннархи кузатилаётган йилда тумандаги ўртача кўрсаткичдан 2,4 (100% – 97,6%) фоизга кам бўлганлигидан далолат беради.

**Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарходбек фермер хўжалигини
Булоқбоши тумани билан пахта етиштиришнинг солиштирма
иқтисодий кўрсаткичлари (2013 йил)**

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Булоқбоши тумани бўйича ўртача	Пўлат Фарходбек фермер хўжалиги бўйича	Фар- қи, %
1	Экин майдони	га	3269	41,7	x
2	Ҳосилдорлик	ц/га	29,7	33,5	112,7
3	Ялпи ҳосил	ц	97160	1397,0	x
4	Ишлаб чиқариш ҳаражатлари	м.с	7447000	96934,4	x
5	1 центнер пахтани таннархи	сўм	71100	69390	97,6
6	1 центнер пахтани сотиш баҳоси	сўм	78760	80650	102,4
7	Ялпи маҳсулот	м.с	7893000	112664,0	X
8	Фойда	м.с	446000	15729,7	X
9	1 гектар ҳисобига: а) ялпи маҳсулот б) фойда	м.с м.с	2594 323,5	2701,8 377,2	104,5 116,6
10	Рентабеллик	%	6	16,2	+10,2

Фермер хўжалигида 1 центнер пахта хом-ашёсини сотиш баҳоси 80 650 сўмни ташкил этган бўлса, туманида 1 центнер пахта хом-ашёсини ўртача сотиш баҳоси 78 760 сўмни ташкил этади.

Хулоса қилиб айтилганда, Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалиги тумандаги илғор хўжаликлардан бўлиб, у ўзининг иқтисодий жиҳатдан ривожланишини таъминламоқда. Лекин, фермер хўжалигини пахта етиштириш иқтисодий самарадорлиги ҳали оптимал даража (30 – 40%) дан анча паст бўлиб, уни кўтариш чораларини кўриш лозим.

Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигининг асосий давлат буюртмасига етиштирадиган маҳсулотидан бири – бу буғдойдир. 2011 – 2013 йилларда хўжаликда буғдой етиштириш иқтисодий самарадорлигини 10 – жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

10 – жадвалда Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигида буғдой етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги акс эттирилган. Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, фермер хўжалигида сўнгги уч йил мобайнида буғдой майдонлари 34,7 гектардан 52,1 гектарга қадар ёки 150,1% га ортган, буғдой ҳосилдорлиги 63,2 центнердан 64,3 центнерга қадар ёки 101,7% га ошган. Натижада, буғдой ялпи ҳосили кузатилаётган даврда 1157 центнерга ёки 152,8% га кўпайган.

Хўжаликда 2013 йилда 1 центнер буғдойни етиштириш таннархи 2011 йилга нисбатан 8208 сўмга ёки 143,3 фоизга кўпайган. Бу тадқиқот мобайнида жами буғдойни етиштириш ҳаражатларини 147,4% га , шу жумладан, иш ҳаққи ҳаражатларини 149,3% га оширган. Шунингдек, 2013 йилда 1 центнер буғдойни давлатга сотиш баҳоларини 2011 йилга нисбатан 13747 сўмга ёки 156,4 фоизга ортиши кузатиляпти. Бу эса, охириги уч йиллик мобайнида давлатга сотилган буғдой ялпи маҳсулотини 230,2% га кўпайишини таъминлаган.

Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигида буғдой етиштириш таннархини ўсишининг уни давлатга сотиш баҳосини ўсишидан устун дара-

Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарходбек фермер хўжалигида буғдой

етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги

№	Курсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2013 йилда 2011 йилга нисбатан, %
1	Экин майдони	га	34,7	44,4	52,1	150,1
2	Ҳосилдорлик	ц/га	63,2	63,9	64,3	101,7
3	Ялпи ҳосил	ц	2193,0	2837,2	3350,0	152,8
4	Ишлаб чиқариш харажатлари	м.с	41607	66583	91054	218,8
	шундан: иш ҳақи	м.с	9528	16180	21124	221,7
5	Ходимлар сони	нафар	5	6	6	120,0
6	Ялпи маҳсулот	м.с	54453	88690	125358	230,2
7	Фойда	м.с	12847	22107	34304	267,0
8	1ц буғдойни таннархи	сўм	18972	23468	27180	143,3
9	1ц буғдойни сотиш баҳоси	сўм	24830	31260	37420	150,7
10	1 га ҳисобига: а) ялпи маҳсулот	м.с	1569,3	1997,5	2406,1	153,3
	б) фойда	м.с	370,2	497,9	658,4	177,8
11	1ходим ҳисобига: а) ялпи маҳсулот	м.с	10890,6	14781,6	20893,0	191,8
	б) иш ҳақи	м.с	1905,6	2696,6	3520,7	184,8
12	Рентабеллик	%	30,9	33,2	37,7	+6,8

жада бўлишлиги 2011 – 2013 йилларда ушбу маҳсулотни етиштиришдан фойда олишни 267,0% га кўпайтирганлигини кўришимиз мумкин. Оқибатда, Пўлат Фарходбек фермер хўжалиги раҳбари ва аъзоларининг оладиган даромадни 278,5% га, 1 гектар буғдой майдони ҳисобига олинган ялпи маҳсулотни 153,3% га ва фермер даромадини 168,7% га ошиши рўй берган. Буғдой етиштириш рентабеллиги 2011 йилда 30,9 фоиз бўлган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 37,7 фоизга етказилган яъни 2011 йилга нисбатан 2013 йилда +6,8 даражага юқоридир. Бу яхши натижа, лекин, оптимал даража (60-70%) дан анча паст. Шунинг учун, ушбу хўжаликда буғдой етиштириш рентабеллигини янада ошириш чора – тадбирларини кўриш лозим.

Қуйида берилган **11 – жадвалда** Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарходбек фермер хўжалигини Булоқбоши тумани билан буғдой етиштиришнинг солиштирма иқтисодий кўрсаткичлари акс эттирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, кузатилаётган охириги 2013 йилда фермер хўжалигини буғдой етиштириш бўйича иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари туман бўйича ўртача кўрсаткичларидан биров юқоридир.

Жумладан, буғдой ҳосилдорлиги хўжаликда тумандаги ўртача ҳосилдорликдан 1,2 ц/га ёки 101,9% га юқори. 1 центнер буғдой таннархи 40 сўм ёки 0,1% (100,1% – 100 %) га кўп бўлса, 1 центнер буғдой давлатга сотиш баҳоси 1060 сўм ёки 2,9% (102,9% - 100 %) га юқори.

1 гектар буғдой майдонига тўғри келган ялпи маҳсулот 110,3 минг сўмга ёки 104,8% га, фойда эса, 76 минг сўмга ёки 113% га кўпни ташкил қилмоқда. Натижада, буғдой етиштириш иқтисодий самарадорлик яқунловчи кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражасини фермер хўжалигида (37,7%) тумандаги ўртача (34,0%) га нисбатан +3,7 даражага юқорилигини кўришимиз мумкин. Демак, Пўлат Фарходбек фермер хўжалиги тумандаги илғор хўжаликлардан бири экан деган хулосага келиш мумкин. Лекин, шунга қарамай хўжаликда ишлаётган ходимларнинг моддий манфаатдорлигини

11- жадвал

Булокбоши туманидаги Пўлат Фарходбек фермер хўжалигини
Булокбоши тумани билан буғдой етиштиришнинг солиштирма
иқтисодий кўрсаткичлари (2013 йил)

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Пўлат Фарходбек фермер хўжалиги бўйича	Булокбоши тумани бўйича ўртача	Фар- қи, %
1	Экин майдони	га	52,1	3343	X
2	Ҳосилдорлик	ц/га	64,3	63,1	101,9
3	Ялпи ҳосил	ц	3350	211100	X
4	Ишлаб чиқариш ҳаражатлари	м.с	91054	5728000	X
5	1 центнер буғдойни таннархи	сўм	27180	27140	100,1
6	1 центнер буғдойни сотиш баҳоси	сўм	37420	36360	102,9
7	Ялпи маҳсулот	м.с	125358	7675000	X
8	Фойда	м.с	34304	1947000	X
9	1 гектар ҳисобига: а) ялпи маҳсулот б) фойда	м.с м.с	2406,1 658,4	2295,8 582,4	104,8 113,0
10	Рентабеллик	%	37,7	34,0	+3,7

янада ошириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва маълум даражада жамғармалар қилиш учун маҳсулот етиштириш рентабеллигини ошириш лозим.

Суғориш сувидан фойдаланиш ҳолатига баҳо бериш учун хўжаликда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик экинларини суғоришга сарфланган сувларнинг маҳсулдорлигини билиш мақсадида юқоридаги **12 – жадвал** маълумотларидан фойдаланамиз. Жадвал маълумотларига кўра, 2011-2013

12-жадвал

Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарходбек фермер хўжалигида суғориш сувларининг маҳсулдорлиги

№	Кўрсаткичлар номи ва ўлчов бирлиги	Йиллар			2013 йида 2011 йилга нисбатан фоизда, %
		2011	2012	2013	
1.	Экин майдони, га	67,4	93,8	93,8	139,2
	шундан: - пахта	32,7	49,4	41,7	127,5
	- буғдой	34,7	44,4	52,1	150,1
2.	Ялпи маҳсулот, м.сўм	116814	200673	238022	203,8
	шундан:- пахта етиштиришда	62361	111984	112664	180,7
	-буғдой етиштиришда	54453	88690	125358	230,2
3.	Ҳақиқатда берилган сув, минг м ³	371,25	378,1	382,79	103,1
	шундан: -пахта бўйича	187,00	192,04	190,26	101,7
	-буғдой бўйича	184,25	186,06	192,53	104,5
4.	Суғориш сувларининг маҳсулдорлиги, сўм / м ³	314,6	530,9	621,8	197,6
	шундан: -пахта бўйича	333,5	583,1	592,3	177,6
	-буғдой бўйича	295,5	476,7	651,1	220,3

йилларда сувдан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичларида ўзгаришлар кузатиляпти. Жумладан, экин майдонларининг ўзгариши яъни кўпайиши экин турлари бўйича майдонларининг ўзгариши ҳақиқатда берилган

сувларни 103,1% га қадар оширган. Шунга қарамай етиштирилган ялпи маҳсулот тадқиқот даврида 203,8% га кўпайган.

1000 метр куб сув ҳисобига олинган ялпи маҳсулот пахта етиштиришда 177,6 фоизга ортган бўлса, буғдой етиштиришда 220,3 фоизга кўтарилган. Хўжалик бўйича 1000 метр куб сув ҳисобига олинган ялпи маҳсулот эса, 197,6 фоизга қадар ортган. Суғориш сувининг маҳсулдорлиги етиштирилаётган маҳсулотлар кесимида қаралганда сўнгги уч йиллик бўйича буғдой етиштиришда юқори бўлса, ҳар йиллик бўйича ҳам буғдой етиштиришда юқори. Демак, хўжаликда пахта етиштиришда суғориш сувидан самаралироқ фойдаланишга эътибор қаратиш лозим экан. Бунга асосий сабаб, пахта буғдойга нисбатан кўпроқ меёрдаги сувларни талаб қилади ва улардан пахта майдонларида фойдаланиш даражаси доим ҳам белгиланган талабларга жавоб бермайди.

Шунинг учун, Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигида Мойариқ мироби СИУ нинг хизматлари ҳисобига қишлоқ хўжалик экинларига етказиб бериладиган суғориш сувларидан унумли, мақсадга мувофиқ ва имконият доирасида тежамли, исрофгарчиликларни камайтиришга ҳаракат қилган ҳолда, сув тежайдиган техника ва технологияларни жалб қилиш билан эришиш лозим деб ҳисоблаймиз.

III-БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕСУРСЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ.

3.1. Фермер хўжалигида пахта ва ғалла етиштириш технологиялари хамда уларни самарали ташкил этиш йўллари.

Ўзбекистон пахтачилигида плёнкадан фойдаланишга уринишлар 1985-1988 йилларда бошланган. Бу даврда плёнкадан асосан мулча, тупроқ юзасини қатқалоқдан сақловчи омил сифатида фойдаланилган (А. С. Пистоли, 1990).

Плёнка остига чигит экиб, пахта етиштириш усули асосан 1995 йилдан бошлаб мамлакатимизда, хусусан Андижон вилоятида илмий-амалий жиҳатдан ўрганила бошланди. Ўтган давр мобайнида мазкур усул йил сайин такомиллаштириб келинмоқда. (М. Султонов, И. Қобулов, 1997, О. Якубжонов, 2000, С. Баҳромов, 2002).

Ҳозирги даврда плёнка остига чигит экиб пахта етиштириш усули яхлит технология мақомида жорий этиляпти.

Пахтачилик минтақасининг Ер қуррасидаги шимолий чегараси 38°-40° кенгликларгача боради. Бизнинг мамлакатимиз 46°-36° шимолий кенглик, 37°-11° жанубий кенгликларда жойлашган. Ғарбий чекка нуқтаси 56°, шарқий чекка нуқтаси 73°—10° узунликларга тўғри келади. Бинобарин, мамлакатимиз пахтачилиги дунё пахтачилигининг энг шимолий чегарасидадир.

Шунинг учун мамлакатимизда, жумладан, Фарғона водийсида иссиқсевар ўсимлик - ғўзадан эртапишар пахта ҳосили етиштириш, ҳосилни кузги совуқ тушгунча тўла йиғиштириб олиш азалий муаммо ҳисобланади.

Эртаки пахта ҳосили етиштириш учун чигитни эрта экиш, ғўзанинг баравж ривожланишига, кўсакларнинг барвақт очилишига имконият яратиш талаб қилинади. Аммо, чигит экиш муддатини тупроқ ҳарорати чегаралаб туради. Бинобарин, ғўза чигити тупроқнинг экиш қатламидаги ҳарорат 11°C бўлганда уна бошлайди. 12—14°C бўлганда қийғос униб чиқади (М. В. Муҳаммаджонов, А. Зокиров, 1988).

Бундай тупроқнинг турғун ҳарорати мамлакатимизнинг аксарият воҳаларида, хусусан Фарғона водийсида апрель ойининг биринчи ўн кунликларига тўғри келади. Шу сабабли мамлакатимизда чигит очик майдонларга асосан апрел ойида экилади. Жумладан, Андижон вилоятида чигит экишнинг мақбул муддати 1-25 апрелга тўғри келади.

Плёнка остига чигит экиб, пахта етиштириш технологиясида чигит одатдагидан эрта - тупроқ ҳарорати 9-10°C бўлганда экилаверади. Чунки плёнка таъсирида тупроқ қўшимча 3-5°C ҳарорат билан таъминланади ва чигит қийғос униб чиқаверади.

Янги технология бўйича чигитни 20 март - 5 апрелда, ёхуд одатдагидан 10-15 кун эрта экиш мақбуллиги илмий жиҳатдан асосланган.

Чигит экилган майдонда плёнка июн ойининг биринчи ўн кунлигигача сақланади ва шу давр мобайнида тупроқ қўшимча ҳарорат билан таъминланиши натижасида ғўза ўсимлигининг ривожига тезлашади.

Маълумки, пахтачилик минтақасига йилига ўртача 2500-3000 соат қуёш нури, ёруғлик тушади. Янги технологияда экинларнинг ёруғликдан фойдаланиш самарадорлиги ҳам ортади. Масалан, эски технологияда ғўза 15-20 апрелдан 15-20 октябргача фотосинтез жараёнини ўтказиб, ёруғликдан фойдаланар эди. Эндиликда ғўзадаги фотосинтез жараёни 5—10 апрелдан 1 октябргача давом этиб, унинг ўрнига экилган кузги буғдой 15 октябрдан 1-10 декабргача ёруғликдан фойдаланади.

Қурғоқчил минтақамизда тупроқдан сувнинг буғланиши ўртача йилига 1360 - 1670 мм.ни ташкил этади. Деҳқончилик учун табиатнинг бу салбий ходисаси, айниқса, февралдан июн ойи охиригача кучли бўлади (С.Н.Рнжов, 1948; П.М.Жуковский, 1915).

Чигит плёнка остига экилганда тупроқ юзасининг 60 фоизи 10-15 июнга қадар беркитилади. Демак, намликнинг буғланиши ҳам 80—90 кун давомида кескин камаяди.

Минтақамизда йиллик ёғин миқдорининг 40-50 фоизи чигитнинг қийғос униб чиқиши, ёш ғўза ниҳолларининг айни ривожланиш даврига

тўғри келади. Одатда чигит экиш мавсумидан сўнг кучли ёмғир, жала, сел ёғиб, тупроқ юзасини қатқалоқ қилади, тупроқнинг сув ва ҳаво мароми бузилади. Ушбу табиат ҳодисалари туфайли ғўза ривождан қолади, кўчат калинлиги ка-маяди (Ф.М.Мўминов, Ф.Ф.Раҳмонова, 1993).

Янги технология чигит экилган пуштада қатқалоқ пайдо бўлишига йўл кўймайди. Плёнка остига чигит экиб, пахта етиштириш технологияси тупроқ юзасидан сув буғланишини камайтириб, унинг таркибидаги зарарли тузларнинг кўтарилишига, яъни тупроқнинг шўрланишига қарши омил ҳамдир (С.Х.Исаев, 2003). Далаларни бегона ўт босиши даражаси ҳам чигит плёнка остига экилган далаларда 30-40 фоизга камайдир (С.Баҳромов, 2002).

Демак, плёнка остига чигит экиб, пахта етиштириш технологияси ғўзанинг ҳаёт омиллари билан таъминланишини яхшилайдир, табиат ноқулайликлари зарарини камайтиради, ғўзанинг сув, озик, ҳаво маромига ижобий таъсир этади.

Плёнка остига чигит экиб, пахта етиштириш технологияси оддий усулда чигит экишга нисбатан қуйидаги агротехникавий афзалликларга эга:

- пахтачиликда чигитни пушталарга туксизлантириб, қобиклантириб, қўш қаторлаб, серуялаб аниқ миқдорда экиш каби самарали агротехник тадбирларни мужассам қўллаш имконини беради;
- чигитни муддатидан 10-15 кун барвақт экишга шароит яратади;
- тупроқни қўшимча 3-5°C ҳарорат билан таъминлаб, чигитнинг униб чиқишини ва ғўзанинг ривожланишини тезлаштиради;
- тупроқ юзасидан табиий ва суғориш намлигининг атмосферага буғланишини кескин камайтиради;
- тупроқ намлигини сақлаб, унинг сув ва озик маромини яхшилайдир;
- ёғинлар таъсирида тупроқ юзасининг қатқалоқ бўлишини бартараф этиб, унинг ҳаво маромига ижобий таъсир этади;
- тупроқ шўрланишининг олдини олади;

- ердан, сувдан, минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини оширади.

Шунингдек, ушбу усул туфайли:

- пахта далаларига яхоб суви, чигит суви беришга ҳожат қолмайди;
- далаларнинг бегона ўт босиши кескин камаяди;
- пахта ҳосилининг пишиб етилиши 20-25 кунга тезлашади, терим асосан октябр ойининг биринчи ўн кунлигида якунланади;

- гектар ҳисобидан қўшимча 7-10 центнер пахта ҳосили олинади, ҳосил 100 фоиз I-II саноат навларига топширилади;

- кузги дон экинларини мақбул муддатларда экишга имкон яратилади;
- қўшимча пахта ҳосили етиштирилиши, ҳосилнинг юқори навларга топширилиши, сув, минерал ўғитлар ва ёнилғидан фойдаланиш самарадорлигининг, меҳнат унумдорлигининг оширилиши ҳисобига юқори иқтисодий самарадорликка эришилади.

Плёнка остига чигит экиб, пахта етиштириш технологияси плёнкага, уруғлик чигитга ва экишга тайёрланган ерга нисбатан қуйидаги талаблар қўяди:

Плёнка қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:

- эни 90 ва 60 сантиметрли ғўза қатор оралари учун мос равишда 60 ҳамда 45 сантиметр бўлиши;

- қалинлиги 0,008 мм.дан ортмаслиги;

- пишиқлиги узунасига 215, кўндалангига 76 кг с/см² бўлиши;

- оппоқ, шаффоф, йиртилмаган, эзилмаган, тешилмаган бўлиши керак.

Чигитга нисбатан талаблар:

- уруғлик чигит экишга яроқлилиқ хусусияти бўйича амалдаги йўриқномалар талабига жавоб бериши лозим;

- танланган ғўза навининг чигити туксизлантирилган, касалликларга қарши (бронотак, витовакс ва ҳ.к.) дориланган бўлиши шарт;

- туксизлантирилган чигитнинг қолдиқ туки 0,3 фоиздан, шикастланганлик даражаси 5 фоиздан ортмаслиги зарур;

- чигит сараланган, унувчанлиги 98 фоиздан юқори, узунасига 4,5-6,0 мм бўлиши керак.

Ерни экишга тайёрлаш бўйича талаблар:

- пахта терими яқунланган, такрорий экин ҳосили йиғиштириб олинган далаларда кузги ҳайдов олдидан ғўзапоя, такрорий экин қолдиғи, бегона ўт, плёнка қолдиқлари ҳамда бошқа ёт жисмларни териб, тозалаш ўтказилади;

- кузги ҳайдов икки ярусли омочларда ўз муддатида, сифатли амалга оширилади;

- ҳайдов жараёнида палахсалар (диаметри 5 см. дан ортиқ кесаклар) ҳосил бўлишига йўл қўйилмайди;

- сифатли тайёрланган ер, увоқланган тупроқ юзаси обдон текисланади;

- сифатли тайёрланган майдонларда кузда пушталар олиб қўйилади;

- ерни ҳайдаш олдидан амалдаги тавсияларга тўла риоя қилган ҳолда органик ва минерал ўғитлар, гербицидлар қўлланилади ёки кўп йиллик бегона ўтлар тароқлаб йиғиштириб олинади;

- ботқоқланган, сизот суви ер юзасига ниҳоятда яқин жойлашган, захкаш, тошлоқ, кўп йиллик бегона ўтлар ниҳоятда кўп тарқалган майдонларда янги технология жорий этилмайди.

Ғалла етиштиришда навбатлаб экиш тизимида риоя қилиш муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Ғалла экинлари, жумладан, бугдойни бир майдонда икки йилдан ортиқ экиш тавсия этилмайди. Чунки, унинг асосий илдиз қисми ҳайдов қатламида жойланиши ҳисобига юқори қатламдаги тупроқ кучсизланади, ўсимлик сийраклашади, натижада бегона ўтлар, касаллик ва зараркунандалар кўпайиб, ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатади.

Ғўза ва бошоқли дон экинларини навбатма-навбат экишнинг қисқа ротацияси, яъни кўпи билан икки йил ғўза ва бир йил бошоқли дон экинининг экилиши бир майдонга устма-уст ғалла экилганлигига қараганда 8-10 центнер кўп ҳосил олишни таъминлайди. Беда ва дуккакли дон экинларидан сўнг ғалла экиш ернинг мелиоратив ва экологик ҳолатини

яхшилайди, тупрок унумдорлигини сақлайди, айрим ҳолларда оширади. Алмашлаб экиш жорий этилган майдонларда ғаллага бериладиган ўғитнинг самарадорлиги ҳам юқори бўлади.

Сувли ерларда алмашлаб экиш жорий этилган ва ўғитдан самарали фойдаланилган ҳамда ерни экишга сифатли тайёрланган жойлардан олинган кўчат сони 20 фоиз кўп бўлиб, ўсимликнинг туплаши 7-13 ва бошоқлаши 7-8 кун эрта бошланади, ҳосил элементлари эса сезиларли даражада кўп бўлади.

Пахта, беда, маккажўхори ва бошқа экинлардан кейин ғалла экиш учун, бу ерларни текислаш занжирли тракторларга ўрнатилган ГН-4 ёки ғилдиракли тракторларга тиркаладиган ГН-2,8 русумли механизмлар билан олиб борилади.

Республикамизнинг барча суғориладиган деҳқончилик шароитида, ерни 30-35 см чуқурликда ҳайдаш, ҳар бир картанинг балл бонитетига қараб олдиндан гектарига 10-15 тонна маҳаллий ўғит, соф ҳолда 80-100 кг дан фосфорли, 40-45 кг дан калийли ўғитлар берилиши тавсия этилади. Экишдан олдин ерлар бороналанади ва мола босилади.

- шўри ювилган майдонларда ерлар текислангач, 80-110 кг фосфорли ва 50-60 кг калийли ўғит солиниб, борона тиркалган чизел билан ишлов берилади.

Бошоқли дон экинларидан юқори ҳосил етиштиришнинг энг асосий омилларидан бири - мақбул муддатларда ва меъёрада экишни амалга оширишдир. Навларнинг биологик хусусиятлари, касаллик, иссиқлик ва ётиб қолишга чидамлилига қараб уларни экиш муддатларини табақалаштириш зарур.

Шимолий минтақаларда кузнинг эрта келиши, қишда куруқ совук бўлиши ва баҳорнинг кеч келишини инобатга олиб, экишни 1-сентябрдан бошлаб 1-октябргача тугаллаш лозим. Экиш меъёри ҳар гектар майдонга 5,5-6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида белгиланади.

Жанубий минтақаларда кузги экишни сентябр ойининг охиридан бошлаб 5 ноябр ойининг охиригача экишни тугаллаш керак. Мазкур

минтақанинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, экиш меъёри гектарига 5,5-6,0 млн қилиб белгиланади.

Марказий мингақа, Фарғона водийси, Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳам кузги экишни сентябр ойининг иккинчи ярмидан бошлаб, 20 октябргача тугаллаш, экиш меъёрини ҳар гектар майдонга 5-6 млн. дона унувчан уруф ҳисобида белгиланади.

Очиқ майдонларда ғалла экиш бўйича. Бошоқли дон экинларини экишда асосан СЗ - 3,6 сеялкаси ишлатилади. Сеялкани экиш меъёрига созлаш қуйидагича амалга оширилади:

- сеялка ғилдирақларини 7,3 марта айлантирилганда сеялкадан 100 м² ерга уруф ташланган ҳисобланади ёки бир томони домкрат билан кўтарилиб, бир томонининг ғилдирақига белги қўйилади ва 14,6 марта айлантирилади;

- бункерга солинган уруфдан уруф ўтказгичлар орқали ғилдирак 14,6 марта айланганда 2,5 кг уруф тушса, гектарига 250 кг, 2,0 кг уруф тушса, гектарига 200 кг уруф сарфланади;

- уруф меъёри созлаш ричаги ва ғилдиракдан ҳаракат олувчи юлдузчаларни алмаштириш йўли билан гектарига сарфланадиган меъёр ўрнатилади.

Ўза қатор орасига ғалла экиш бўйича. Бу технология суғориладиган майдонларда экиш билан боғлиқ агротехник тадбирларнинг бир йула бажарилиши натижасида, техника ҳаражатлари ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини 30-40 фоизгача тежаш имконини беради.

Бундан пахтаси 1 марта териб олинган майдонга культиваторлар ёрдамида 15-16 см чуқурликда 1-2 марта ишлов берилади. Бунда культиватор ишчи органлари қайта мосланиб, жўяк устидаги тупроқ юмшатилиб, жўяк ичига ташлаб чиқилади.

Шу таҳлитда 1-2 марта ишлов ўтказилганда, ўзапоянинг тагигача бўлган ерларга ҳам сифатли ишлов берилади. Бу ишлар КРХ-4 культиваторига ўрнатилган махсус мосламалар билан амалга оширилади. Экиш культиваторларга ўрнатилган мосламалар билан амалга оширилади.

Культиваторнинг экиш кенглиги 1,6 метр бўлиб, эгат оркали 27,7 метр ерга юргизиб тугагандан кейин (3,6 м x 27,7 м x 100 м² ташкил этади) мосламадан тушаётган дон йиғиндиси 2,5 кг ни ташкил этиши керак. Шунда 1 гектарга 250 кг меъёрда буғдой сарflanган бўлади. Агар дон йиғиндиси (27,7 м юргандан кейин) 2,0 кг ни ташкил этса, гектарига 200 кг буғдой экилган бўлади.

Ишлов берилган қатор орасига уруғни 3-5 см чуқурликка мослама билан экилиб, пешма-пеш суғориш учун эгатларни ҳам олиб кетилади.

Экиш амалга оширилгандан сўнг қисқа муддатда (1-2 кун ичида) суғориш амалга оширилади.

Ўза қатор орасига экилган ғалла майдонларининг ўғит ва сув режимлари, экиш муддатлари ва меъёрлари худди очик майдонга экилган ғалла майдонлари каби бўлади.

Фарғона водийси, Марказий, Жанубий ва Бухоро-Навоий вилоятларининг тоғ, тоғолди ва адирлик минтақаларида экиш чуқурлигини 3-4 см қилиб белгилаш керак.

Ҳар гектар майдондан 60-70 центнер дон ҳосили етиштириш учун, вегетация давомида тупроқдаги намлик меъёри чекланган дала нам сифимида нисбатан интенсив типдаги навлар учун 70-80%, маҳаллий навлар учун эса, 65-75% ни ташкил этиши лозим.

Марказий минтақа ва Фарғона водийси вилоятларида биринчи баҳорги суғориш феврал охири, март ойи бошларида амалга оширилади. Бу минтақалар бўйича ҳар бир ғалла майдонида тупроқ хусусиятлари, ер ости сувлари сатҳи ва об-ҳаво шароитига қараб, 5-7 мартагача суғориш ўтказилади. Суғориш меъёри ҳар гектарга 650-800 кубометрни ташкил этади. Барча минтақаларда суғоришни найчалаш, бошоқлаш ва дон тугиш жараёнида шарбат окизиш усулида ўтказиш ҳосилдорликка ижобий таъсир кўрсатади.

Республикаимиз илмгоҳларида олиб борилган тажрибалар натижаларига кўра, азотли ўғитларни ўсув даврида табақалаштириб бериш тавсия қилинади.

Биринчи озиклантиришда эрта баҳорда туплаш даврида (35%) гектарига соф ҳолда 70-80 кг дан азотли ўғит берилади.

Иккинчи озиклантириш найчалаш даврида (50%) ҳар гектар майдонга 80-90 кг соф ҳолдаги азотли ўғит берилади. Бунда найча ичида шаклланаётган бошоқлар йирик бўлиши ва бошоқдаги донлар салмоғи кўп бўлишига замин яратилади.

Учинчи озиклантириш сут мум пишиш даврида (15%) ҳар бир гектар майдонга 30-40 кг соф ҳолда азотли ўғитни сув орқали ёки барглар (самолёт) орқали ўтказилади. Бунда ҳар бир гектар майдондаи кўшимча 5-8 центнердан ҳосил олишга ва унинг нон тайёрлаш сифатининг яхшиланишига таъсир кўрсатиши аниқланган.

Махсус ҳандақларга тўкилган маҳаллий ўғитларга азотли ўғитлар аралаштирилиб, сув билан оқизилса, дон таркибидаги оқсил ва клейковина миқдори 2-4% га кўпаяди.

Шўри ювиладиган ғалла майдонларини озиклантириш меъёрлари шўри ювилмайдиган майдонга нисбатан 10-15% кўп бўлади. Айниқса, тупроғи шўрланган майдонларга маҳаллий ўғитларни шудгорлашдан олдин (гектарига 15-20 тонна) солиш ва суғоришнинг шарбат усулида олиб борилишига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Вўза қатор орасига кузги ғалла экиладиган майдонларни аниқлаб, айти шу майдонларда эртапишар ғўза навларини жойлаштириш, плёнка остига экиш ва агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли ўтказиш билан пахтанинг эрта пишишини таъминлаш чорасини кўриш керак.

Бунда пахтаси 1-2 марта териб олинган майдонга культиваторлар ёрдамида 15-18 см чуқурликда 2-3 марта ишлов берилади. Бунда культиватор ишчи органлари қайта мосланиб, жўяк устидаги тупроқ юмшатилиб жўяк ичига ташлаб чиқилади. Вўза ичига биринчи ишлов бериш ғўзага охириги сув

берилгандан сўнг тупроқ тўлиқ етилган даврда ўтказилади. Чунки, бундай килинганда кесак кўчмайди.

Шу таҳлитда 2-3 марта ишлов ўтказилганда, ғўзапоянинг тагигача бўлган ерларга ҳам сифатли ишлов берилади. Ишлов берилган қатор орасига уруғни 3-5 см чуқурликка экадиган мослама билан экилиб, бир пайтнинг ўзида суғориш эгатлари олиб кетилади. Экиш амалга оширилгандан сўнг қисқа муддатда (1-2 кун ичида) 2- ва 3- терим оралиғида суғориш амалга оширилади.

Плёнка остига ғўза экилган ҳамда пахтаси эрта етилган майдонларда, ғўзапоя олиниб кейин (30-35 см чуқурликда ҳайдалиб очиқ майдонга ғалла экиш технологияси асосида экишни амалга оширилади.

Ќўза қатор орасига экилган ғалла майдонларининг ўғит ва сув режимлари, экиш муддатлари ва меъёрлари худди очиқ майдонга экилган ғалла майдонлари каби бўлади.

Ҳозирги кунда Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалиги плёнка остига чигит экиб пахта етиштириш усули вилоятдаги бошқа фермер хўжаликлари каби яхлит технология мақомида амалга ошириляпти.

3.2. Фермер хўжалигида ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини янада тараққий эттиришда асосий эътибор аграр соҳада ислоҳотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларида бозор тамойилларини тўла қарор топтириш асосида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини кескин оширишга қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган аграр тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли дастури қуйидаги энг муҳим йўналишларни ўз ичига олади:

1. Аграр соҳада иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, мулкӣ муносабатлар ва хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштириш борасида барча субъектлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни бозор тамойиллари асосида амалга ошириш, шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишида томонлар масъулиятини ошириш.

2. Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш ва самарали фойдаланишни рағбатлантириш йўналиши бўйича тупроқ унумдорлигини яхшилаш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида барча ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш, унумдорлиги паст ер майдонлари салмоғини камайтириш.

3. Сув хўжалиги тизимини такомиллаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш мақсадида сув хўжалиги тизимида моддий ва маънавий эскирган ирригация-мелиорация тизимини янгилаш, унинг самарадорлигини ошириш, янги суғориш технологиялари ва сувдан фойдаланиш механизмларини жорий этиш, ер майдонлари мелиоратив ҳолатини яхшилаш, зовур тармоқларини қуриш ва таъмирлаш тадбирларини амалга ошириш.

4. Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини вилоятлар ва туманларнинг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш,

маҳсулотлар сифати ва экинлар ҳосилдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори ҳосилли, тезпишар, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, янги ва истикболли, маҳсулот сифати бозор талабларига жавоб берадиган навларни жойлаштириш.

Ер ресурслари – умуммиллий бойликдир. Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида улардан оқилона ҳамда самарали фойдаланиш зарурлиги «Ер кодекси»да алоҳида таъкидланган. Республика ҳудудидаги барча корхоналар, фуқаролар бу қонуний талабни бажаришлари шарт. Шунинг учун улар тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишга негизида улардан талаб даражасида самарали фойдаланишга катта эътибор беришлари лозим. Шу маъсулиятни ҳис этган ҳолда қишлоқ хўжалик корхоналари уни ижобий ҳал этишга, фойдаланиш мумкин бўлган майдонлардан тўлиқ ва самарали фойдаланишга интиломоқдалар.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида экин экилаётган майдонлар йилдан-йилга камайиб бормоқда. Бундай ҳол экинзорларни, аҳолига турар жойларни қуриш, саноат, суғориш иншоотларини барпо этиш учун ажратилиши оқибатида юз бермоқда. Бу объектив жараён келажакда ҳам юз беради. Шунинг учун ҳам мавжуд ерлардан йил давомида оқилона, самарали фойдаланиш зарур. Пахта майдонининг қисқартирилиши натижасида пахта яққаҳоқимлиги бартараф этилди. Лекин озуқа экинлари майдонларининг қисқартирилиши амалда алмашлаб экиш тартибининг бузилишига олиб келди ҳамда чорва ҳайвонларининг мустаҳкам ем-хашак базасини барпо этишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боис келажакда ердан фойдаланиш самарадорлигини юксалтириш учун алмашлаб экишни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Ҳозирги даврда экинлар экилаётган ерлардан тўлиқ ва самарали фойдаланишга барча хўжаликлар алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу ҳаракат ижобий натижалар бермоқда.

Бошоқли дон экинлари ҳосилдорлигининг ошиши асосан республика ҳукуматининг ғалла мустақиллиги сиёсати амалга оширилиши натижасидир. Бу сиёсатни амалга ошириш мақсадида барча қишлоқ хўжалик корхоналарининг раҳбарлари уруғчиликни ривожлантиришга, илғор технологияларни жорий этишга, янги техникалардан фойдаланишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Етиштирилаётган доннинг бир қисми аҳолига берилиши натижасида дончиликка уларнинг ҳам қизиқиши кескин ортди. Улар ўз талабларини қондириш мақсадида ғаллачиликни ривожлантиришга интилмоқдалар.

Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигининг ошиши ердан фойдаланиш самарадорлиги юксалишини таъминлайди.

Ер ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини юксалтириш учун ер муносабатларини такомиллаштириш, чуқурлаштириш, яъни либераллаштириш масалаларини ҳал этишни тезлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ернинг баҳоларини ва улардан фойдалаганлик учун тўланадиган ҳақларни, солиқлар миқдорини реалроқ аниқлаш лозим. Бунда бозор иқтисоди қонунлари талабларига асосланиш, шунингдек, ер ресурсларининг чекланганлиги, такрор ишлаб чиқарилмаслиги, ҳолати, сифати, истеъмолчиларга узоқ-яқинлиги, ишлаб чиқариш воситалари ҳамда инфратузилмалар билан таъминланганлиги, олинаётган маҳсулот, фойда суммаси каби индикаторларни ҳам эътиборга олиш зарур.

Биз Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш ва таҳлил этиш асосида фермер хўжалигида мавжуд ер ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш учун қуйидагиларни тақлиф этамиз:

- Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалиги жойлашган ҳудудда аҳолининг зичлиги ва сув билан таъминланганлик даражасини ўртача эканлигини ҳисобга олиб фермер хўжалигида мавжуд экин майдонларидан самарали фойдаланиш, фойдаланиладиган ерларни турли мақсадларда ажратиш, ижарага бериш ва сотиш амалдаги ҳуқуқий-

меъёрий хужжатлар асосида самарали ташкил этиш ва улардан амалдаги конунлар асосида фойдаланишни ташкил этиш;

- фермер хўжалигига қарашли бўлган ерларнинг паст текисликларда жойлашган қисмида ер ости сувларининг яқин жойлашганлигини ҳисобга олиб ва адирликда жойлашган ерларни рельефи талаб даражасида эмаслиги туфайли фермер хўжалиги ерларида ирригация ва мелиорация тадбирларини вақтида сифатли амалга ошириш;

- фермер хўжалиги худудида мавжуд ер ресурсларидан фойдаланишда янги, самарали техникаларни, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш;

- ўтган давр мобайнида фермер хўжаликларида давлат буюртмаларини ўрнатилиши ва фермер хўжаликлари томонидан давлат буюртмаларини бажариш учун қилинган ҳаракатлар оқибатида ерни унумдорлигини оширишда асосий омиллардан ҳисобланган алмашлаб экиш масалаларига эътибор сусайганлигини ҳисобга олиб фермер хўжалиги худудида илмий ва амалий жиҳатдан асосланган алмашлаб экишни тиклаш;

- фермер хўжалигида махсулот етиштириш жараёнида ўсимликларни касаллик ва зараркурандалардан самарали ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, кейинги йилларда об-ҳавони тез ўзгариши натижасида қишлоқ хўжалик экинларини нормал ўсиб ривожланиши учун ноқулай шарт-шароитлар юзага келиши билан бир қаторда зараркуранда ва касалликларни тез ривожланиши учун қулай шароит пайдо бўлмоқда. Юқоридагиларни ҳисобга олиб фермер хўжалигида махсулот етиштириш жараёнида ва ишлаб чиқаришни ташкил этишда экологияга салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда кимёвий воситалардан оқилона фойдаланиш;

- фермер хўжалиги ерларини жойлашиши, сув билан таъминланиши ва унумдорлик даражасидан келиб чиқиб турли тупроқ шароити ва унумдорликка эга ерларга ўзига хос экин турлари ҳамда серҳосил ва касалликларга чидамли усимлик навларини танлашни йўлга қўйиш

мақсадида фермер хўжалигида селекция, уруғчиликни ва агротехнологик тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

- маълумки қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштиришни ташкил этиш масалалари катта маблағ талаб этади. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб қувватлаш механизми ишлаб чиқилган бўлиб, у ҳозирги кунда дотация ва субсидия дастаклари асосида амалаг оширилиб келинмоқда. Лекин, хусусий мулкчиликни ривожланиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабни доимий равишда ортиб бориши амалдаги фермер хўжаликлари фаолиятига нафақат ички балки ташки инвестицияларни кенг жорий этиш чора-тадбирларини кўришни тақозо этади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш жараёнига чет эл инвестицияларини кенг кўламда жорий этиш чора-тадбирларини кўриш керак. Чунки, ташки инвестициялар фермер хўжалигини моддий-техник базасини талаб асосида шаклланишининг ишончили омили ҳисобланади.

- фермер хўжалигида мавжуд ер ресурсларидан самарали фойдаланиш масалаларини ижобий ҳал этилиши аксарият ҳолларда фермер хўжалиги ҳар бир аъзосининг ер ресурсларига бўлган муносабатини тубдан яхшилаш билан боғлиқдир. Шунинг ҳисобга олиб Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалиги тассаруфидаги ер майдонларидан самарали фойдаланишнинг ташкил этиш учун фермер хўжалиги аъзоларини ерга бўлган муносабатини бозор талаблари асосида шакллантириш зарур деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун хўжалик аъзоларини ер ресурсларидан самарали фойдаланиш тўғрисидаги кўникмаларини доимий равишда ошириб боришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Суғориладиган ерларда суғориш сувларидан фойдаланган ҳолда пахта хомашёси, шоли, буғдой, арпанинг асосий қисми, маккажўхори, картошка,

сабзаёт, полиз маҳсулотлари етиштирилмоқда. Шунинг учун улардан йил мобайнида тўлиқ ва самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ер-сув – умуммиллий бойликдир. Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида улардан оқилона ҳамда самарали фойдаланиш зарурлиги «Ер кодекси» да, «Сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунда алоҳида таъкидланган. Республика ҳудудидаги барча корхоналар, фуқаролар бу қонуний талабни бажаришлари шарт. Шунинг учун улар тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишга, сувни ифлос қилмасликка, шунинг негизидан улардан талаб даражасида самарали фойдаланишга катта эътибор беришлари лозим.

Пахтачиликда сувдан фойдаланишнинг самарадорлиги ҳам ортмоқда. Лекин эришилган натижалар ўсиб бораётган талаб даражасида эмас. Ер-сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш учун бир қанча ташкилий, иқтисодий тадбирларни амалга ошириш лозим. Даставвал қишлоқ хўжалик ерларини ундан фойдаланувчилар ихтиёрига узоқ муддатга фойдаланиш учун бериш масаласини тўлиқ ҳал этиш зарур.

Ер-сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини юксалтириш учун ер-сув муносабатларини такомиллаштириш, чуқурлаштириш, яъни эркинлаштириш масалаларини ҳал этишни тезлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Бунинг учун ер ва сувнинг баҳоларини ва улардан фойдалаганлик учун тўланадиган ҳақларни, солиқлар миқдорини реалроқ аниқлаш лозим. Бунда бозор иқтисоди қонунлари талабларига асосланиш, шунингдек, ер ва сув ресурсларининг чекланганлиги, такрор ишлаб чиқарилмаслиги, ҳолати, сифати, истеъмолчиларга узоқ-яқинлиги, ишлаб чиқариш воситалари ҳамда инфратузилмалар билан таъминланганлиги, олинаётган маҳсулот, фойда суммаси каби индикаторларни ҳам эътиборга олиш зарур.

Суғориш сувларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун:

- ер-сув ислоҳотларини қонунлар асосида яхши ўтказиш, уларни фойдаланувчиларга бериш, сотиш;

- захланиб, шўрланган ерларда ирригация ва мелиорация тадбирларини вақтида сифатли амалга ошириш;
- суғориш сувларидан фойдаланишда янги, самарали техникаларни, илғор технологияларни жорий этиш;
- ишчи ва хизматчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш;
- ер ва сув муносабатларини такомиллаштириш ва эркинлаштириш лозим;
- ирригация хизмати бадалини ўз вақтида тўлаб боришга эришиш;
- қишлоқ хўжалиги экинларни кам сув навларини етиштиришга эътибор кучайтириш.

Пахта хом ашёсини етиштиришда юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги НИЗОМга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 42-сон, 569-модда) биноан камида 20 гектар майдонда 40 ц/га дан ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликлари куйидаги имтиёзлардан фойдаланиши мумкин:

а) фермер хўжалигининг пахта экиладиган жами ер майдонининг камида 5 фоизига қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинларини экиш. Мазкур имтиёзнинг тақдим этилиши учун тегишли туман (шаҳар) ҳокимлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари масъул ҳисобланади;

б) қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун ажратилган ер майдонларида агротехник тадбирларни амалга ошириш учун таъминотчи ташкилотлар билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали мазкур ер майдонининг ҳар бир гектарига экилган экин тури учун амалдаги технологик карталарда тавсия этилган меъёрлар бўйича дизель ёқилғиси ва минерал ўғитларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан декларация қилинган нархларда (таъминотчи устамаси билан) олдиндан 100 фоиз тўловни амалга оширган ҳолда тегишли шохобчалар орқали харид қилиш. Мазкур имтиёзнинг тақдим

этилиши учун «Ўзнефтмахсулот» АК тизимидаги нефть унитар корхоналари ҳамда «Ўзкимёсаноат» компанияси тизимидаги «Қишлоқхўжаликкимё» худудий акциядорлик жамиятларининг туман ва туманлараро филиаллари масъул ҳисобланади;

в) туман (шаҳар) ҳокимлиги захирасидаги ер майдонлари бўйича ўтказиладиган танловларда фермер хўжалигига 10 баллгача тақдим этиш. Бунда фермер хўжалиги томонидан ҳисобот даврида камида 20 гектар бўлган майдонда юқори ҳосилдорликка эришилганда 2 балл, юқори ҳосилдорликка эришилган майдон ҳар 10 гектарга кўпайганда қўшимча 1 баллдан, 100 гектар ва ундан ортиқ майдонда юқори ҳосилдорликка эришилганда 10 балл тақдим этилади. Мазкур имтиёзнинг тақдим этилиши учун ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи доимий туман (шаҳар) комиссияси масъул ҳисобланади;

г) қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш учун тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар бериш;

д) фермер хўжалигига Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган енгил автотранспорт воситаларидан («Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ маҳсулоти) хоҳлаган битта моделини фермер хўжалигининг асосий талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварағидан пул маблағларини ўтказиш йўли билан навбатсиз харид қилиш. Бунда фермер хўжаликлари томонидан тегишли сертификатга асосан «Ўзавтосаноат» АК тизимидаги корхоналарга мурожаат этилгандан кейин бир ой муддатда шартномалар тузишни яқунлаш ҳамда «Ўзпахтасаноат» уюшмаси тизимидаги корхоналар томонидан фермер хўжаликларининг пахта якуний ҳисоб-китоб маблағларидан тўлиқ тўлаб берилади. Мазкур имтиёзнинг тақдим этилиши учун «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва «Ўзавтосаноат» АК тизимидаги корхоналар масъул ҳисобланади;

е) қишлоқ жойларида қурилаётган намунавий уй-жойлардан бирини навбатсиз харид қилиш. Мазкур имтиёзнинг тақдим этилиши учун туман (шаҳар) ҳокимлиги ва «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ масъул ҳисобланади;

ж) суперэлита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта етказиб бериш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида ўтказиладиган танловда барча шартлар бўйича тенг балл тўпланган ҳолларда юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликлари имтиёзга эга бўладилар. Мазкур имтиёзнинг тақдим этилиши учун суперэлита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик етказиб бериш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида тендер ўтказувчи тегишли комиссиялар масъул ҳисобланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013 — 2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2013 йил 19 апрелдаги ПҚ–1958-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 21 июндаги “Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 176-сон қарори қабул қилинди. Унга кўра, томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига қуйидаги имкониятлар яратилади (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 26-сон, 334-модда):

- тежалган сув ресурсларидан бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларда қишлоқ хўжалиги экинлари ўстириш учун фойдаланиш ҳуқуқи берилади;

- Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган томчилатиб суғориш тизими ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологиялари учун бутловчи буюмлар ишлаб чиқарувчи ихтисослаштирилган ташкилотларга декларация қилинган нархлар бўйича полиэтилен гранула харид қилиш учун ҳар йиллик квоталар ажратилади.

Юқоридаги имтиёзлар ва имкониятлардан Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигида фойдаланиш лозим.

Хулоса ва таклифлар.

Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган чуқур иқтисодий ислохотлар натижаси шуни кўрсатадики иқтисодиётимиз жахон молиявий инқирозига қарши чора тадбирлар кўрилди ва инқироздан чиқиб кета олиш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Чора тадбирлар ичида махсулот етиштириш харажатларини камайтириш орқали ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини сақлаб қолиш иқтисодиётни барқарорлаштириш, салбий тасирини камайишига эришишни мақсад қилади.

Фермер хўжаликларни истиқболли ривожлантириш энг аввало махсулот таннархини пасайтирган ҳолда юқори иқтисодий самарадорликни тامينлаб фойда миқдорини оширишдир.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда биз ўрганган Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигини охириги 3 йиллик иқтисодий кўрсаткичларини кўриб чиқиб таҳлил қилиш асосида куйидагича хулосага келдик.

Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигида иш юритишнинг ташкилий иқтисодий асосларини яхши ўзлаштирилганлиги, қишлоқ хўжалик техникасидан унумли фойдаланиш охириги йилларда контрактация шартномаларини бажараётганлигини, хўжаликда суғорма сувларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича амалага оширилаётган ишлар натижаси ўлароқ фермер хўжалигида иқтисодий самарадорлик даражаси таҳлил этилаётган даврда рентабеллик кўрсаткичи 34.8%дан 36.0%га ортган, аммо бу кўрсаткич ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлай оладиган 35-40%га даражадан пастдир.

Фермер хўжаликда пахта етиштиришдаги 2011 - 2013 йилларда иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи 28%дан 28.2%га ўсганини кўришимиз мумкин. Рентабеллик ошишининг омили бу ялпи махсулотнинг ишлаб

чиқариш харажатларига нисбатан устун даражада ўсганлигидир.

Дончилик иқтисодий кўрсаткичлар натижасида эса маскур фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳолати моддий техника ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда етиштирилган маҳсулот сифати ҳақида кенг маълумотларга эга бўлди ва шу асосида фермер хўжалигида дон маҳсулотлари етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги 38,9%дан 41,2%га етган. Фермер хўжалигининг буғдой етиштиришда олган фойдасини жами ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан фоиз ҳисобида олиш натижасида рентабеллик даражаси 2011 йилни 2013 йилга нисбати +2,3га ортган

Фермер хўжалигида буғдой ишлаб чиқариш барча ишлаб чиқариш харажатларини режалаштирилган ҳолда сарфланиши зарур, шунинг учун рентабеллик кўрсаткичи такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаш учун етарли бўлмай уни 50-55 фоизли даражага кўтариш керак.

Сув билан таъминланиши даражасини яхши. Хўжаликка махсус маълумотли кадрларни ҳам ишга жалб қилиши лозим.

Юқоридаги фикр мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклифларни киритамиз:

1. Фермер хўжалигида маҳсулот етиштиришда ресурс тежамкор технологиялардан фойдаланиш ҳисобига харажатларини камайтириш зарур.

2. Маҳсулот етиштириш учун сарфланадиган моддий харажатлар таркибини оптималлаштириш керак.

3. Етиштирилаётган маҳсулотларни имконият даражасида юқори навларга топшириш ва нобудгарчиликка йўл қўймаслик ҳисобидан маҳсулот сифатини ошириш лозим.

4. Хўжаликда мавжуд бўлган барча ишлаб чиқариш ресурсларидан йил давомида тадбиркорлик билан оқилона, самарали фойдаланиб, барча ишларнинг вақтида, сифатли бажарилишини таъминлаш зарур.

5. Экинларнинг тезпишар, серҳосил навларини, чорва ҳайвонларининг маҳсулдор зотларини ишлаб чиқаришга кўпроқ тадбиқ этилишига эришиш зарур.

6. Ҳаражатларни тежайдиган янги техника, самарали технологияларни жорий этиш натижасида ишлаб чиқариш жараёнларининг механизациялаштирилганлик, автоматлаштирилганлик даражасини ошириб, жонли меҳнат сарфини қисқартириш керак.

7. Ишларни бажаришдаги механизациялашганлик даражасини ошириш, ирригация, мелиорация ва кимёлаштириш тадбирларини сифатли ва самарали таъминлашга эришиш лозим.

8. Меҳнатни ташкил этишнинг самарали шаклларини ва рағбатлантириш тизимини такомиллаштиришни амалга ошириш зарур.

Юқорида қайд этилган фикр ва мулоҳазалар хўжаликка жорий этилса, ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ортади деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари.

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т. Ўзбекистон 2003
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари 1-китоб. – Т.: 1999.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуни. “Халқ сўзи”. 2004-йил 27-август.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг Давлат ер кадастри тўғрисидаги қонуни Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 3-китоб. – Т.: 1999
- 1.5. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни. 1998 йил 29 август.
- 1.6. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Т.: 1996

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226 сонли Фармони “Қишлоқ ислоҳатларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”. Халқ сўзи. 2003 йил 25 март.
- 2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги Фармони. Халқ сўзи. 2003 йил 28 октябр.
- 2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги ПФ-3077-сон “Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда ер участкалари миқдорини мақбуллаштириш чораларини кўриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони.
- 2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 октябрдаги ПФ-4041 сонли “Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни

оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Халқ сўзи, 22.10.2008

2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 октябрдаги “Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3287 сонли Фармони.

2.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 мартдаги ПҚ-817-сон “2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиортив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида”ги қарори.

2.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013 — 2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2013 йил 19 апрелдаги ПҚ–1958-сон қарори.

2.8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарорида тасдиқланган “Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом”.

2.9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли “2004-2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. Халқ сўзи. 2003 йил 31 октябр.

2.10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги 607-сонли “2005-2007 йилларда фермер хўжалиklarини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. Халқ сўзи. 2004 йил 24 декабр.

2.11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 21 июндаги “Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”176-сон қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва маърузалари.

3.1. И.А.Каримов “Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли”. Т.: Ўзбекистон 1993 йил.

3.2. И.А.Каримов “Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида” Т.: Ўзбекистон. 1995 йил.

3.3. И.А.Каримов “Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари Т., Ўзбекистон, 1998.

3.4. И.А.Каримов “Ўзбекистон буюк келажак сари” Т., Ўзбекистон, 1998.

3.5. И.А.Каримов. Барқарор тараққиётга эриш устивор вазифа. Т Ўзбекистон 1998.

3.6. И.А.Каримов “Дехқончилик тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи” Т.: Ўзбекистон 1998.

3.7. И.А.Каримов “Жахон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т.: Ўзбекистон 2009 йил.

3.8. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилда иқтисодий ислохатларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби” Халқ сўзи 14.02.2009 йил.

3.9. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Т.:Иқтисодиёт,-2012й.-282 б.

3.10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси, 18.01.2014 й.

4. Соҳага оид меъёрий ҳужжатлар.

4.1. Пахта хом ашёсини етиштиришда юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 42-сон, 569-модда.

4.2. Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 26-сон, 334-модда

5. Асосий адабиётлар.

5.1. О.Зокиров, А. Пардаев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик). Т.:2005

5.2. О.Зокиров, А.Абдуллаев, Ш.Зокиров. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. (ўқув қўлланма). Андижон, 2002.

5.3. Ш.Зиёвутдинов. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. (ўқув қўлланма). Тошкент, 2004.

5.4. А.Абдуғаниев. Қишлоқ иқтисодиёти. (дарслик). Тошкент, 2004.

5.5. Ў.П.Умрзақов ва б. Фермер хўжалиги иқтисодиёти. – Т.: “Иқтисод-молия” 2007 й.

5.6. Ў.П.Умрзақов ва б. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежмент (дарслик). – Т.: 2009 йил.

5.7. Б.Салимов ва б. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти. – Т.: ТДИУ, 2004.

5.8. Р.Хақимов ва б. Агросаноат мажмуи иқтисодиёти. Т.:ТДИУ, 2004

6. Қўшимча адабиётлар.

6.1. Абдурахимов Қ.Х., Мамарасулов Ф.У. Мехнат иқтисодиёти ва социологияси. – Т.: ТДИУ, 2002-230 б.

6.2. Абдурахмонов Қ.Х., Муртазаев Б.Ч. Мехнат бозори. (Ўқув қўлланма.) – Тошкент, ТДИУ. 1999.-100 б.

6.3. Абдурахмонов Қ.Х., ва бошқалар Мехнат иқтисодиёти ва социологияси. Тошкент, “Ўқитувчи”, 2001 йил.

6.4. Г. Давлатова. Мехнатни илмий асосда ташкил қилиш ва меъёрлаштириш. – Фарғона, 2006.

6.5. Р.Исмаатов. Мехнатни иқтисодиёти ва социологияси. – Наманган, 2005.

6.6. Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. Мехнат иқтисоди ва социологияси. Самарқанд, 2002.

6.7. Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. (дарслик). Т.: 2004.

6.8. Н.Ўроқов. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси (ўқув қўлланма) Тошкент 2004 йил

6.9. О.Олимжонов ва б.Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. Т. “Университет”, 2005.

6.10. А.Абдуллаев ва б. Бизнес режа. –Т.: “Молия” 2002.

7. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар.

7.1. Булоқбоши туманидаги Пўлат Фарҳодбек фермер хўжалигининг 2011-2013 йиллардаги бизнес-режалари, йиллик ҳисоботлари ва бошқа маълумотлар.

8. Интернет сайтлари.

8.1. www.tsuye.uz - Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети.

8.2. www.stat.uz.- Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги маълумотлари.

8.3. www.ziyonet.uz– Ўзбекистон ОЎМТВ қошидаги электрон кутубхона.

8.4. www.lex.uz -Қонунлар ва меъерий ҳужжатлар миллий базаси.